

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС
ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ
ТЕРМИЗ ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ**

ЖИСМОНИЙ МАДАНИЯТ ФАКУЛЬТЕТИ

**ЖИСМОНИЙ МАДАНИЯТ НАЗАРИЯСИ ВА МЕТОДИКАСИ
КАФЕДРАСИ**

РАҲИМОВА ЗАРИНА ФАХРИДДИН ҚИЗИ

**“ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИДА ИМКОНИАТИ ЧЕКЛАНГАН
ЁШЛАРНИ ЖИСМОНИЙ ТАРБИЯ - СПОРТГА ЖАЛБ ҚИЛИШ
МУАММОЛАРИ”.**

мавзусидаги

БИТИРУВ МАЛАКАВИЙ ИШИ

Бажарди: Жисмоний маданият
факультети 4-босқич талабаси
Раҳимова Зарина Фахриддин қизи

Илмий раҳбар: Ў. Салимов

Битирув малакавий иш кафедранинг дастлабки ҳимоясидан ўтди, баённома,
№ « » 2018 йил

Термиз -2018.

МУНДАРИЖА	Саҳ.
Кириш	3
1-БОБ. ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИДА НОГИРОНЛИКНИ ХИМОЯ ҚИЛИШНИНГ ХУҚУҚИЙ АСОСЛАРИ.	7
1.1 Ўзбекистон Республикаси ногиронларни ҳар томонлама ҳимоя қилиш муаммолари.	8
1.2. Ўзбекистон Республикаси ногиронликни ҳимоя қилишнинг ҳуқуқий меъёрий асослари.	12
1.3. Аҳолининг ижтимоий ҳимояга муҳтож қатламлари электрон реестри ва «Ижтимоий ҳимоя» ИАТ жорий этиш.	24
2-БОБ. ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИДА НОГИРОНЛИГИ БЎЛГАН ОДАМЛАРНИ ИШГА ЖОЙЛАШТИРИШНИ ТАЪМИНЛАШ МУАММОЛАРИ ВА ИСТИҚБОЛЛАРИ.	26
2.1. Ногиронлиги бўлган одамларни ишга жойлаштиришда жаҳон тажрибаси маълумоти ва уни Ўзбекистон шароитида қўллаш истиқболлари.	28
2.2. Ўзбекистонда ногиронлиги бўлган одамларни ишга жойлаштиришнинг самарадорлигини аниқловчи омиллар.	35
2.2.1. Жамоатчилик фикри, ишонч ва кадриятлар.	35
2.2.2. Меъёрий-ҳуқуқий база ва институционал механизмлар.	37
2.3. Ўзбекистонда ногиронлиги бўлган одамларни ишга жойлаштириш самарадорлигини ошириш бўйича тавсиялар.	45
3-БОБ. ИМКОНИАТИ ЧЕКЛАНГАН ЁШЛАРНИ ЖИСМОНИЙ ТАРБИЯ ВА СПОРТГА ЖАЛБ ҚИЛИШ ИСТИҚБОЛЛАРИ (“ИККИНЧИ ҲАЁТ” ЛОЙИҲАСИ МИСОЛИДА).	48
3.2. Лойиҳа долзарблиги.	48
3.1. Лойиҳа мақсади.	52
3.2. Лойиҳа вазифаси.	52
3.3. Лойиҳа тадбирлари.	53
3.4. Лойиҳадан кутилаётган натижалар.	53
3.5. Лойиҳа бўйича хулоса.	54
Хулоса	55
Фойдаланилган адабиётлар рўйхати	58

Кириш.

Мавзуниниг долзарблиги: Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг ташаббуси билан соғлом, баркамол авлодни тарбиялаш, шунингдек, оналик ва болаликни муҳофаза қилиш давлатимиз сиёсатининг устувор йўналишларидан бири этиб белгиланган. Юртимизда бу борада кўплаб ижобий ишлар амалга ошириб келинмоқда.

Экспертларнинг баҳосига кўра, жаҳонда тахминан 650 миллион нафар одам ногирон, бу эса бутун дунёдаги мамлакатлар аҳолисининг умумий сонини 10 фоизга яқинини ташкил қилади. Уларнинг 80 фоиздан кўпроғи ишсизлар, ваҳоланки, 470 миллионга яқини меҳнатга лаёқат ёшида ва оддий ишлаб чиқариш шароитларида ёки ихтисослашган корхоналарда меҳнат қилиш имкониятига эга. Уш бу ҳолат аҳолининг мазкур гуруҳини иқтисодий, ижтимоий ва фуқаролик секторларидаги ижтимоий сегрегациясидан гувоҳлик бериши мумкин ва Инсон Тараққиёти, иқтисодий ўсиш аҳолининг барча қатламларини жалб қилиш лозимлигини англаб етишига олиб келувчи, барча учун тенг имкониятларни тақдим этувчи, барқарор бўлишини таъминлайдиган концепцияни янада илгари суриш учун тўсиқ бўлади.

Статистик маълумотлар таҳлилини кўрсатишича, Ўзбекистон Республикасида 780 мингдан ортиқ ногиронлиги бўлган одамлар истиқомат қилади. Улардан I-гуруҳ ногиронлари 8,5 фоиз, II-гуруҳ ногиронлари 71 фоиз ва III-гуруҳ ногиронлари 20,5 фоизни ташкил қилади. Улар орасида 16 ёшгача бўлган болалар 97 минг нафарни ташкил қилади. Ишлайдиганлар сони 34 минг нафарга яқиндан иборат (16 ёшдан катта бўлган ногиронлиги бор одамларнинг умумий сонини беш фоизга яқини). Шу билан бирга, ногиронликнинг энг оғир кўриниши бўлган одамлар

(I-гуруҳ ногиронлари) 3,5 фоизни, ўртача оғирликдаги ҳаёт фаолиятида бузилиш бўлганлар (II-гуруҳ ногиронлари) 55,8 фоизни ва унчалик катта бўлмаган бузилишлилар сони (III-гуруҳ ногиронлари) 40,7 фоизни ташкил қилади. Шу аснода, ногиронлиги бўлган одамларнинг ишга жойлаштириш долзарб бўлиб қолмоқда.

БМТ маълумотларига кўра ер юзидан ногиронларнинг сони қарийб 1-миллиардга ташкил этади. Уларнинг тахминан 80 фоизи ривожланаётган мамлакатларда яшайди. Кўплаб давлатларда ногиронлар малакали тиббий хизматдан фойдаланиш, таълим олиш, жамоат транспортида юриш, айниқса, ишга жойлашишда муаммоларга дуч келишади.

Интернет сайтларида шу ҳақдаги маълумотлар билан танишиш асносида мамлакатимизда бу борада аҳвол қандай экан деган савол туғилди. Аввало, шунинг қайд этиш керакки, соҳага оид норматив-ҳуқуқий база ривожланган демократик давлатлар даражасидадир. Ўзбекистоннинг тажрибасини ўрганиш кераклигини ҳатто хорижийлик экспертлар ҳам эътироф этишган.

Ҳисоб-китобларга кўра ҳозир мамлакатимизда 600 мингга яқин ногирон бор, уларнинг 100 мингга яқини 16 ёшгача бўлган болалардир. Кўпчилиги Қорақалпоғистон Республикаси, Тошкент шаҳри, Қашқадарё, Андижон, Самарқанд, Наманган ва Сурхондарё вилоятларида истиқомат қилади.

Уларнинг орасида боғча, мактаб, лицей ва коллежларга қатнай олмайдиганлари, яъни таълим олишга лаёқатсизлари ҳам бор. Бунга имконияти етадиганларини ўқитиш керак. Улар келажакда қийналмаслиги учун ҳам таълим-тарбия олиши, касб-ҳунар ўрганиши лозим. Қонунчилигимизда 12 йиллик таълим мажбурий ва бепул этиб белгилангани нуфузли халқаро ташкилотлар ва хорижий мамлакатлар томонидан Ўзбекистоннинг таълим олиш ҳуқуқини таъминлаш соҳасидаги энг катта ютуғи сифатида эътироф этиб келинади. Ўрганишлар шунинг кўрсатмоқдаки, ногирон болаларни мактабгача таълим муассасалари, умумтаълим мактабларига қамраб олишда муаммо деярли йўқ, борларини ҳам йўл-йўлакай ҳал қилса бўлади. Уларнинг лицей, коллеж ва олий ўқув юртлиларида ўқишлари учун зарур шарт-шароит яратиб бериш ва ёшларни жисмоний тарбия ва спортга қизиқтириш.

2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегияси ўрта муддатли

истикболда давлат сиёсатининг устувор йўналишларини белгилаб берган энг муҳим дастурий ҳужжат ҳисобланади.

2017 йилда Ҳаракатлар стратегиясини амалга оширишда алоҳида эътибор «Инсон манфаатлари — ҳамма нарсадан устун» деган тамойил ва «Халқ давлат идораларига эмас, давлат идоралари халқимизга хизмат қилиши керак» деган эзгу ғоянинг, энг аввало, халқ билан тўғридан-тўғри мулоқот ўрнатиш ҳамда фуқаролар ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларининг реал ҳимоя қилинишини таъминлаш орқали ҳаётга амалий таътиқ этилишига қаратилди. 2017 — 2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси доирасида давлат томонидан ногиронлиги бўлган шахсларга бепул тақдим этиладиган протез-ортопедия буюмлари ва техник реабилитация воситалари турларини кўпайтириш ҳамда уларнинг тегишли стандартларини жорий қилиш, «Ногиронлиги бўлган шахсларнинг ҳуқуқлари тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси қонуни лойиҳасини ишлаб чиқиш, оғир маиший шароитларда яшаётган, боқувчисини йўқотган, ногиронларни парвариш қилаётган оилаларга ижтимоий ёрдам кўрсатиш, ногиронлиги бўлган шахсларга ахборот-кутубхона хизмати кўрсатиш тизимини такомиллаштириш, ногиронлиги бўлган хотин-қизларни ижтимоий ҳимоя қилиш ва уларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш ишлари амалга оширилиши режалаштирилган¹. Ҳаракатлар стратегиясида амалга оширилиши кутилаётган чоратадбирлардан кўриш мумкинки, ногиронлиги бўлган шахсларни ҳар томонлама қўллаб қувватлаш сиёсати, давлат сиёсати даражасидаги долзарб муаммодир.

Тадқиқот мақсади: Ўзбекистон республикасида имконияти чекланган ёшларни жисмоний тарбия - спортга жалб қилиш муаммоларини ечиш бўйича аниқ таклифлар ишлаб чиқиш.

¹ Ўзбекистон Республикаси Президентининг «2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясини «Фаол тадбиркорлик, инновацион ғоялар ва технологияларни қўллаб-қувватлаш йили»да амалга оширишга оид Давлат дастури тўғрисида» 2018 йил 22 январдаги ПФ-5308-сон Фармони.

Тадқиқот вазифалари: Юқоридаги мақсаддан келиб чиқиб тадқиқотда қуйидаги вазифалар қўйилди:

1. Ўзбекистонда ногиронлик муаммоларининг ҳозирги ҳолатини таҳлил қилиш (ижтимоий ва ҳуқуқий меъёрий асослари мисолида)
2. Ўзбекистон Республикасида ногиронлиги бўлган одамларни ишга жойлаштиришни таъминлаш муаммолари ва истиқболларини аниқлаш.
3. Имконияти чекланган ёшларни жисмоний тарбия ва спортга жалб қилиш истиқболлари (“Иккинчи ҳаёт” номли лойиҳани ишлаб чиқиш мисолида).

Тадқиқот методлари: Ушбу вазифаларни ҳал қилиш учун қуйидаги методлардан фойдаланилди.

1. Илмий ва интернет манбаларидаги материалларни назарий таҳлил қилиш ва умумлаштириш;
2. Сўровнома;
3. Библиографик метод.

Тадқиқот фарази: Тадқиқотда қўйилган муаммоларни аниқлаш ва уларни бартараф этиш учун таклиф этилган лойиҳани амалга ошириш натижасида имконияти чекланган ёшларни жисмоний тарбия ва спортга жалб қилиш самарадорлиги ошади.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги ва амалий аҳамияти:

1. Ўзбекистонда истиқомат қилаётган имконияти чекланган ёшлар жисмоний тарбия ва спорт воситалари орқали соғломлашадилар;
2. Имконияти чекланган ёшларнинг спорт турлари билан мунтазам шуғулланишлари таъминланади;
3. Уларнинг ижтимоий, руҳий ва жисмоний ҳолати янада яхшиланади;
4. Имконияти чекланган ёшларнинг жамият ҳаётидаги ўринлари мустаҳкамланади ва Ватанимиз равнақи олдидаги хизматларининг аҳамияти ортиб боради;
5. Бўлажак Паралимпия ўйинларининг бўлажак қаҳрамонлари захираси тайёрланиб боради.

1-БОБ. ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИДА НОГИРОНЛИКНИ ҲИМОЯ ҚИЛИШНИНГ ХУҚУҚИЙ АСОСЛАРИ.

Мамлакатимизда ногиронларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини кўзлаб, 2008 йил 11 июлда «Ўзбекистон Республикасида ногиронларни ижтимоий ҳимоя қилиш тўғрисида»ги қонун янги таҳрирда қабул қилингани, 2009 йил 27 февралда БМТнинг «Ногиронлар ҳуқуқлари тўғрисида»ги конвенцияси, 2011 йил 30 майда биринчи Президентнинг «2011 — 2015-йилларда ёлғиз кексалар, пенсионер ва ногиронларни ижтимоий ҳимоя қилишни янада кучайтириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарори ҳамда ҳукуматимизнинг қатор қарорлари имзолангани юқоридаги фикримизни тасдиқлайди.

Ўзбекистон ногиронлар жамияти маълумотларига қараганда, бугун орамизда туғма ногиронлар кам, бу никоҳга кираётган шахсларнинг тиббий кўрикдан тўлиқ ўтишларини таъминлаш, она ва бола саломатлигини мустаҳкамлаш, умуман олганда, соғлом бола дунёга келишига эришиш йўлида амалга оширилаётган саъй-ҳаракатлар ўз самарасини бераётганидан далолат беради.²

Ҳозирги вақтда ногиронлиги бўлган одамларни ижтимоий муҳофаза қилиш тизими ислоҳ қилиш жараёнида турибди. Илгарилари ҳасталик – ногиронлик – меҳнатга лаёқатсизлик тушунчасини тенглигига асосланган ҳаёт фаолиятининг турли хил мезонларини чеклаш даражасини аниқлашга асосланган манзилли ёндашувга босқичма-босқич ўтиш юз бермоқда. Ногиронликни аниқлашни тартиби, давлатнинг ижтимоий имтиёзлар ва кафолатларни тақдим этиш тартиби қайта кўриб чиқилди. Илгарилари учинчи гуруҳ ногиронлиги бўлган шахслар (меҳнатга қобилияти бузилмаган ҳаёт фаолиятининг анчагина енгил чекланишлари билан тавсифланадиганлар) ногиронлик бўйича пенсия олишарди. 2011 йилнинг январ ойидан бошлаб, 2010 йилнинг 22 январида қабул қилинган Ўзбекистон

² «Ўзбекистон Республикасида ногиронларни ижтимоий ҳимоя қилиш тўғрисида»ги қонуни.

Республикасининг “Фуқароларни давлат пенсия таъминоти тўғрисида”ги Қонунга ўзгартишлар ва қўшимчалар киритиш ҳақида”ни Қонунига кўра учинчи гуруҳ ногиронлиги ўрнатилган шахслар ногиронлиги бўйича пенсия олмайди ва ишга жойлаштирилиши лозим. Шу муносабат билан иш қидираётган ногиронлиги бўлган одамларни сони сезиларли даражада ошишини кутиш даркор бўлади. Шу нарса аниқки, аҳолининг мазкур қатламини бандлигини таъминлаш бўйича махсус чоралар қўлланилиши лозим.

1.1 Ўзбекистон Республикаси ногиронларни ижтимоий ҳимоя қилиш муаммолари.

Ўзбекистон Президенти Шавкат Мирзиёев 2017 йил 1 декабрь куни, Халқаро ногиронлар куни (3 декабрь) арафасида «Ногиронлиги бўлган шахсларни давлат томонидан қўллаб-қувватлаш тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги фармонини имзолади. Ҳужжат Ногиронлиги бўлган шахсларни давлат томонидан қўллаб-қувватлаш тизимини тубдан такомиллаштиришга қаратилган таклифларни тайёрлаш бўйича комиссия томонидан ногиронликни барвақт аниқлаш ва олдини олиш, ногиронлиги бўлган шахсларга тиббий-ижтимоий ёрдам кўрсатиш, уларни касбга ўқитиш ва ишга жойлаштириш соҳасидаги ишларнинг аҳволи комплекс ва чуқур ўрганилгандан сўнг қабул қилинди.

Ўзбекистонда 600 мингдан ортиқ ногиронлар ҳаёт кечирмоқда. Кўпчилик ногиронлар кундалик турмушда турли қийинчиликларга дуч келиб, бу уларнинг мамлакат сиёсий, ижтимоий, иқтисодий ва маданий ҳаётида фаол иштирок этишига салбий таъсир кўрсатмоқда, дейилади фармонга берилган расмий шарҳда.

БМТнинг Ногиронлар ҳуқуқлари тўғрисидаги конвенциясини ратификация қилишга тайёргарлик кўриш бўйича амалий чора-тадбирлар ташкил этилмоқда. «Ногиронлиги бўлган шахсларнинг ҳуқуқлари

тўғрисида"ги Қонун лойиҳаси ишлаб чиқилади. Инсонларнинг ногиронларга нисбатан муносабатини ўзгартириш, атрофдагиларни уларнинг жамиятда тўлиқ ва тенг ҳуқуқли иштироки ҳақида хабардор қилиш ногиронларнинг долзарб муаммоларини ҳал этишда ўта муҳим ва биринчи навбатдаги қадам ҳисобланади. Ушбу мақсадда «ногирон» тушунчаси муомаладан чиқарилмоқда ва у энг аввало, инсон эканлигини ҳисобга олган ҳолда умумэтироф этилган «ногиронлиги бўлган шахс» атамаси киритилмоқда.

Фармонда ногиронлиги бўлган шахсларнинг давлат томонидан қўллаб-қувватланиши тизимини такомиллаштиришнинг куйидаги асосий йўналишлари белгилаб олинди:

- ногиронлик белгиси бўйича камситишга йўл қўймаслик, ногиронлиги бўлган шахсларнинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини рўёбга чиқаришда тенг шароитларни ва уларни бузганлик учун жавобгарликнинг муқаррарлигини таъминлаш;

- ногиронлиги бўлган шахслар ҳуқуқларини таъминлаш соҳасидаги умумэтироф этилган халқаро норма ва стандартларни миллий қонунчиликка имплементация қилиш;

- ногиронлиги бўлган шахсларга тиббий-ижтимоий ёрдам кўрсатиш даражаси ва сифатини юқори технологияли ихтисослашган тиббий ва ижтимоий ёрдамдан фойдаланиш имкониятини кенгайтириш орқали ошириш;

- ногиронлиги бўлган шахсларнинг оиласи, жамият ва давлат билан ўзаро алоқасини кучайтириш, уларнинг қулай муҳитда бўлиши, шаҳар йўловчи транспорти, ижтимоий ва бошқа инфратузилма объектларидан эркин фойдаланиши учун зарур шароитлар яратиш;

- ногиронлиги бўлган шахсларнинг жамият ижтимоий-иқтисодий ҳаётига жалб қилиниши ва фаол иштирокини таъминловчи инклюзив таълим ва ишга жойлаштириш тизимини такомиллаштириш ва бошқалар.³

³ «Ногиронлиги бўлган шахсларни давлат томонидан қўллаб-қувватлаш тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Президент фармони.

Ногиронлиги бўлган шахслар, кексалар ва аҳолининг бошқа ижтимоий эҳтиёжманд тоифаларини ижтимоий ҳимоя қилишга масъул бўлган ягона идоранинг мавжуд эмаслигига ҳам алоҳида эътибор қаратилди. Шу муносабат билан, Ўзбекистонда Маъмурий ислохотлар концепциясини амалга ошириш доирасида Соғлиқни сақлаш вазирлиги ҳузурида ихтисослаштирилган идора ташкил этилади.

Давлат архитектура ва қурилиш қўмитаси ва бошқа манфаатдор идораларга объектлар лойиҳалаштирилиши ва қурилишида архитектура-қурилиш назоратини кучайтириш, шунингдек, ногиронлиги бўлган шахсларнинг улардан эркин фойдаланишини таъминлаш талабларига риоя этмаганлик учун жавобгарлик муқаррарлиги принципини таъминлаш чораларини кўриш топширилди.

Яқинда ўтказилган текширувларда 64,6 минг давлат органи объектларидан фақат 23,9 мингтасида ногиронларнинг кириш имконияти яратилгани ва пандуслар мавжудлиги аниқланди.

Фармон билан 51 банддан иборат чора-тадбирларни амалга ошириш назарда тутилган Ногиронлиги бўлган шахсларни қўллаб-қувватлаш тизимини янада такомиллаштириш ҳамда уларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилиш кафолатларини кучайтириш бўйича комплекс чора-тадбирлар дастури тасдиқланди.

Шаҳар йўловчи транспортларининг махсус ускуналар билан жиҳозланмаганлиги ногиронлиги бўлган шахслар учун иш жойи ва бошқа муассасаларга етиб боришда муайян қийинчиликларни келтириб чиқаради. Шунингдек, светофорлар ва пиёдалар йўлакчалари қўшимча товуш ёрдамида бошқариш ускуналарига эга эмас. Бунинг учун ногиронлиги бўлган шахсларга шаҳар йўловчи транспортини мазкур мақсадларга мослаштириш, бекат ва йўналишларни овоз ёрдамида эълон қилиш орқали қулайликлар яратилади.

2018 йил 1 мартдан ногиронлиги бўлган шахсларга мослаштирилмаган шаҳар йўловчи транспорти воситаларини сотиб олиш тақиқланмоқда.

Транспорт воситалари ҳайдовчилари — ногиронлиги бўлган шахсларни ўқитиш учун тайёрлаш ва қайта тайёрлаш ишлари ташкил этилади. Бундан ташқари, келгусида ишлаб чиқариладиган миллий енгил автомобиллар ногиронлиги бўлган шахслар фойдаланиши учун мослаштирилган ҳолда махсус ускуналар билан қайта жиҳозланади.

Ногиронлиги бўлган шахсларни ишга қабул қилишни кенг рағбатлантириш, шунингдек, ногиронлиги бўлган шахсларнинг ўзи томонидан тадбиркорлик билан шуғулланишга шароит яратиш мақсадида 2018 йилнинг 1 январидан бошлаб яқка тартибдаги тадбиркорлик билан шуғулланувчи I ва II гуруҳ ногиронлиги бўлган шахслар, шунингдек, I ва II гуруҳ ногиронлиги бўлган шахсларни ходим сифатида ёллаган яқка тартибдаги тадбиркорларга қатъий белгиланган солиқнинг имтиёзли ставкаси белгиланмоқда.

Барча даражадаги давлат органлари, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари, корхоналар, ташкилотлар ва муассасалар раҳбарларига ногиронлиги бўлган шахсларни ишга қабул қилиш, шунингдек, ногиронлиги бўлган шахслар жамиятлари корхоналари билан товарлар, ишлар ва хизматлар етказиб беришга оид шартномалар тузиш амалиётини кенгайтиришни таъминлаш топширилди.

Оммавий ахборот воситаларига эфирга узатилаётган янгиликлар, телекўрсатувлар ва видеофильмлар субтитр ёки сурдо таржима билан олиб бориши, ногиронлиги бўлган шахсларнинг ахборот олиш имкониятини ошириши ва бўш вақти мароқли ўтишини таъминлаш учун махсус ҳарфли нашрларни кенгайтириши тавсия қилинди.

Ногиронлиги бўлган шахсларнинг саводхонлигини ошириш мақсадида вилоятлар, туманлар марказларида умумтаълим мактаблари негизида Брайль алифбосини ўқитиш бўйича махсус курслар ташкил этилади.

2018/2019 ўқув йилидан бошлаб олий таълим муассасаларига абитуриентлар қабулининг умумий сонидан ногиронлиги бўлган шахслар учун кўшимча равишда икки фоизли квоталар киритилмоқда.

Баҳорга қадар ногиронликни белгилаш, ногиронлиги бўлган шахсларнинг ижтимоий мослашувига қўмаклашишни таъминлаш ва уларга ногиронлик пенсияси ва нафақалари тўлашнинг халқаро стандартларига ўтиш механизмларини қайта кўриб чиқиш режалаштирилган.

2018 йилнинг 1 июнидан бошлаб ногиронлиги бўлган шахслар тўғрисида комплекс маълумотларни (ногиронлиги бўлган шахсларга оид шахсий маълумотлар, пул тўловларининг турлари ва миқдори, ажратилган техник реабилитация воситалари, протез-ортопедия буюмлари ва бошқалар) ўз ичига олган ногиронлиги бўлган шахсларнинг ягона электрон реестри жорий этилмоқда, бу даволаш ва реабилитация ишларини самарали ташкил этишни таъминлайди.⁴

Бундан ташқари, фармонда протез-ортопедия буюмлари ва техник реабилитация воситаларини ишлаб чиқариш соҳасига, жумладан фаолият юритаётган корхоналарни модернизация қилишга қўмаклашиш, замонавий технологияларни қўллаган ҳолда республикада янги ишлаб чиқаришларни ташкил этиш орқали чет эл инвестициялари жалб қилиш белгиланган.

Ушбу фармоннинг қабул қилиниши долзарб муаммоларни ўз вақтида ҳал қилишга имкон беради. Жамиятимиз аъзоларининг “ногиронлиги бўлган шахс” ларга нисбатан муносабати ўзгаришига олиб келади. Ўз вақтида ногиронлар ҳам ўзларини жамиятнинг тўлиқ ва тенг ҳуқуқли аъзоси эканлигини хис этадилар. Бу ҳужжат нафақат ногиронларга, балки уларнинг оила аъзоларига ҳам катта тухфа бўлди.

1.2. Ўзбекистон Республикаси ногиронликни ҳимоя қилишнинг ҳуқуқий меъёрий асослари.

Ногиронларнинг ижтимоий кўникуви, уларнинг моддий аҳволини яхшилаш, имконияти чекланган шахсларнинг жамият ривожланиши ва

⁴ «Ногиронлиги бўлган шахсларни давлат томонидан қўллаб-қувватлаш тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Президент фармони.

ҳаётда фаол иштирок этишини кенгайтириш, инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш соҳасидаги актуал муаммолардан бири ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси томонидан “Ўзбекистон Республикасида ногиронларни ижтимоий ҳимоя қилиш тўғрисида”ги Қонуннинг қабул қилиниши давлатимиз учун тенг ҳуқуқли аъзо ҳисобланувчи, алоҳида эҳтиёжларга муҳтож бўлган шахслар ҳам давлат тузилмалари, идоралари, ижтимоий ва халқаро ташкилотлар, шу жумладан оила, мактаб, болалар муассасалари ва ҳақозоларнинг, ногиронларни ижтимоий муҳофаза қилиш, уларнинг реабилитацияси ва жамиятга интеграция қилиш масалаларини ҳал қилишда, умуман олганда шерикчилик иштироки, ҳамда фуқаролик жамиятининг ҳамкорлигини талаб этувчи масалалар муҳимлигини акс эттиради.

Қонунчилик ногиронликни белгилаш билан имконияти чекланган шахсларга ижтимоий ёрдамга, инсонларнинг ногиронлик ҳолатида мустақил ҳаёт учун қулай шароитларни яратиб бериш ҳуқуқини тақдим қилиш билан боғлайди.⁵

Мустақиллик йиллари давомида реализация қилинган Давлат дастурлари ногиронларни ижтимоий қўллаб-қувватлаш, ногиронлик профилактикаси, имконияти чекланган шахсларнинг тиббий ва ижтимоий реабилитацияси; уларга таълим бериш, касбий йўналтириш ва ишга жойлаштириш, ходимларни тайёрлаш ва ногиронлар билан ишлаш фаолиятини мувофиқлаштириш, ижтимоий хизматлар соҳасини ривожлантириш ва бошқаларга йўналтирилган эди.

2007 йилнинг “Ижтимоий ҳимоя йили” деб эълон қилиниши, қабул қилинган “Ижтимоий ҳимоя йили” давлат дастури, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 19.03.2007 йилдаги “Аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш тизимини янада такомиллаштириш ва мустаҳкамлашга оид чора - тадбирлар тўғрисида” ги Фармони аҳолининг заиф тоифаларини ижтимоий муҳофаза

⁵ “Ўзбекистон Республикасида ногиронларни ижтимоий ҳимоя қилиш тўғрисида”ги Қонуни

қилиш ҳамда муносиб ҳаёт шароитларини таъминлашга йўналтирилган ислохатларнинг қабул қилинган йўналишининг амалий давоми ҳисобланади.

Ушбу йўналишдаги устувор вазифалардан бири бўлиб ногиронларнинг ногиронлик масалаларига бевосита ёки билвосита алоқадор бўлган замонавий ахборотларига эга бўлиш даражасини яхшилаш, ушбу контингентга кирувчи шахслар ҳаётини яхшилаш ҳамда уларга жамиятнинг бошқа аъзолари билан тенг имкониятларни таъминлаш мақсадида фуқароларнинг ҳуқуқий билим даражасини ошириш ҳисобланади.

«Ногиронлиги бўлган шахсларнинг ҳуқуқлари тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси қонуни лойиҳасида БМТнинг Ногиронлар ҳуқуқлари тўғрисидаги конвенсияси талаблари ва халқаро стандартларни миллий қонунчиликка татбиқ қилиш, шунингдек, «ногирон» тушунчаси ўрнига «ногиронлиги бўлган шахс» тушунчасидан фойдаланиш, ногиронлиги бўлган шахсларнинг ҳуқуқлари, давлат органларининг ногиронлиги бўлган шахслар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш соҳасидаги ваколатлари, ногиронликни аниқлаш ва олдини олиш, уларнинг таълим олиши ва ишга жойлашишига кўмаклашиш, уларга тиббий-ижтимоий ёрдам кўрсатишнинг замонавий шакл ва механизмларини белгилаш, ногиронликни белгилашда қўлланилаётган усулларни тубдан такомиллаштириш «Аҳолининг репродуктив саломатлиги тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси қонуни лойиҳасида аҳолининг репродуктив саломатлиги соҳасида давлат сиёсатининг асосий йўналишлари ва принциплари, соғлом оилани шакллантириш талаблари, репродуктив ҳуқуқлар, қўшимча репродуктив технологиялар, яъни контрацепция, экстракорпорал уруғлантириш каби тиббий хизматларни ривожлантириш, репродуктив саломатликка оид бошқа қоидалар назарда тутилади.

Мамлакатимизда мустақилликнинг дастлабки кунларидан бошлаб аҳолини ижтимоий муҳофаза қилишни янада кучайтириш, айниқса, ижтимоий ҳимояга муҳтож ногиронларга ҳаётда тенг имконият ва шароитлар яратиб бериш масаласига алоҳида аҳамият бериб келинади. 1991 йил 18 ноябрда «Ўзбекистон Республикасида ногиронларни ижтимоий ҳимоя қилиш

тўғрисида»ги қонун қабул қилинди. Мазкур қонун 2008 йилдаги «Ўзбекистон Республикасида ногиронларни ижтимоий ҳимоя қилиш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси қонунига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақида»ги қонунга мувофиқ янги таҳрирда қабул қилинди.

Ногиронлар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси, юқоридаги қонун, Вазирлар Маҳкамасининг 2006 йил 17 майдаги «Ногиронларни соғломлаштириш ва протезлаш миллий марказини ташкил этиш тўғрисида»ги, 2010 йил 23 декабрдаги «Ногиронларни тиббий-ижтимоий ва касбий реабилитация қилиш самарадорлигини янада ошириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги, 2011 йил 5 январдаги «Аҳолини иш билан таъминлаш ва ногиронларни ижтимоий ҳимоя қилиш тўғрисидаги қонун ҳужжатларини бузганлик учун ташкилотларга нисбатан молиявий санкциялар қўллаш, шунингдек, меҳнатни муҳофаза қилиш тўғрисидаги қонун ҳужжатларини бузганлик учун ташкилотлар фаолиятини тўхтатиб қўйиш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш тўғрисида»ги қарорлари ва бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар билан тартибга солинади⁶.

Қонун ҳужжатларида ногиронларга турли соҳаларда имтиёзлар белгиланган. Жумладан, «Фуқаролар соғлиғини сақлаш тўғрисида»ги қонуннинг 22-моддасига асосан, ногиронлар, шу жумладан, ногирон болалар ва болалиқдан ногиронлар тиббий-ижтимоий ёрдам олиш, куч-қувватни тиклашнинг барча турларидан фойдаланиш, дори-дармонлар, протез-ортопедия мосламалари, ҳаракатланиш воситалари билан имтиёзли асосларда таъминланиш, шунингдек, касб-кор эгаллаш ва қайта тайёргарликдан ўтиш ҳуқуқига эга.

Ногиронлар давлат соғлиқни сақлаш тизими ҳамда меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш муассасаларида бепул тиббий-ижтимоий ёрдам олиш, ўз уйларида парвариш қилиниш, ўзганинг парваришига муҳтож бўлган ёлғиз ногиронлар ва сурункали руҳий хасталикларга чалинган ногиронлар

⁶ «Ногиронларни соғломлаштириш ва протезлаш миллий марказини ташкил этиш тўғрисида»ги Вазирлар Маҳкамаси қарори.

эса ижтимоий таъминот муассасаларида яшаши қонунларимизда кўрсатилган.⁷

«Шаҳар йўловчилар транспортдан бепул фойдаланишни тартибга солиш тўғрисида»ги қонунда 1941-1945 йиллардаги уруш ногиронлари ва урушнинг I гуруҳ ногиронига ҳамроҳлик қилувчи шахс, кўзи ожиз ногиронлар ва кўзи ожиз ногиронга ҳамроҳлик қилувчи шахсларнинг шаҳар йўловчилар транспортдан (таксидан ташқари) бепул фойдаланиш ҳуқуқи қафолатланган.

Вазирлар Маҳкамасининг 1997 йил 2 февралдаги «Даволаш-профилактика муассасаларини маблағ билан таъминлаш тизимини такомиллаштириш тўғрисида»ги қарорига асосан, болалиқдан ногиронлар, I ва II гуруҳ ногиронлари, 1941-1945 йиллардаги уруш ногиронлари ва қатнашчилари, шунингдек, уларга тенглаштирилган шахслар, Чернобил АЭСидаги ҳалокат оқибатларини тугатишда қатнашган ногирон шахслар турғун даволаш-профилактика муассасаларида овқатланиш тўловидан озод қилинади. Шунингдек, мазкур қарорда 1941-1945 йиллардаги уруш қатнашчилари ва ногиронлари ҳамда уларга тенглаштирилган шахслар, Чернобил АЭСидаги ҳалокат оқибатларини тугатишда қатнашган ногирон шахсларга амбулаторияда даволанишда дори-дармонлар текин берилиши қайд этилган.

Вазирлар Маҳкамасининг 2013 йил 15 февралдаги қарори билан тасдиқланган «Кам таъминланган оилаларга ижтимоий нафақалар ва моддий ёрдам тайинлаш ҳамда тўлаш тартиби тўғрисидаги низом»нинг 9-бандига кўра, ота-оналардан бири ёки ҳар иккиси ҳам ногирон бўлган оилалар, ногирон боласи бўлган оилалар болали оилаларга нафақа, бола парвариши бўйича нафақа ва моддий ёрдам олишда устунлик ҳуқуқига эга. Кексалар ва ногиронлар, уруш ва меҳнат фахрийлари санаторийларга бепул йўлланмалар олиши мумкин. Болалиқдан ногиронлар, I ва II гуруҳ ногиронлари, 1941-1945 йиллардаги уруш ногиронлари ва қатнашчилари, шунингдек, уларга тенг-

⁷ «Фуқаролар соғлиғини сақлаш тўғрисида»ги қонуни.

лаштирилган шахслар, Чернобил АЭСи ҳалокатини тугатишда иштирок этган шахслар жумласига кирувчи ногиронлар республика ихтисослаштирилган марказлари томонидан давлат бюджети маблағлари ҳисобига тиббий ёрдам кўрсатишда имтиёзларга эга.

Ногиронлар ўзларининг ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш, улар учун бошқа фуқаролар билан тенг имкониятларни таъминлаш мақсадида ташкилотлар тузишлари мумкин. Ҳозирда Адлия вазирлиги томонидан рўйхатдан ўтказилган ва ногиронлар соҳасида фаолият олиб борувчи Ўзбекистон ногиронлар жамияти, Ўзбекистон Миллий паралимпия ассотсиатсияси, Ўзбекистон ногирон ишбилармон аёллар миллий ассотсиатсияси, Ўзбекистон кўзи ожизлар жамияти, Ўзбекистон қарлар жамияти каби ташкилотлар ва уларнинг ҳудудлардаги бўлимлари фаолият олиб бормоқда.

Мамлакатимизда бундай ташкилотларнинг эмин-эркин фаолият юритиши учун барча имкониятлар яратиб берилган ва ушбу ташкилотларнинг олиб бораётган фаолиятлари ҳам эътибордан четда қолмайди. Жумладан, ҳар йили ногиронларни ҳимоя қилиш соҳасида фаолият юритувчи бир қатор нодавлат нотижорат ташкилотларининг аҳамиятга молик лойиҳалари Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси ҳузуридаги нодавлат нотижорат ташкилотларини ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтларини қўллаб-қувватлаш жамоат фонди томонидан молиялаштирилиб келинмоқда.

Ногиронлар ва уларнинг ташкилотларига солиқ соҳасида бир қатор имтиёзлар белгилаб берилган. Хусусан, Солиқ кодексига асосан уруш ногиронлари ёхуд 1941-1945 йиллардаги уруш даврида ёки ҳарбий хизматнинг бошқа мажбуриятларини бажаришда яраланганлиги, контузия бўлганлиги ёки шикастланганлиги оқибатида ёхуд фронтда бўлиш билан боғлиқ касаллик туфайли ногирон бўлиб қолган ҳарбий хизматчилар жумласидан бўлган бошқа ногиронлар, собиқ партизанлар жумласидан бўлган ногиронлар, шунингдек, пенсия таъминоти бўйича мазкур тоифадаги

харбий хизматчиларга тенглаштирилган бошқа ногиронлар, болаликдан ногирон бўлиб қолганлар, шунингдек, I ва II гуруҳ ногиронлари солиқ солишдан қисман (даромад олинган ҳар бир ой учун энг кам иш ҳақининг тўрт баравари миқдоридаги даромадлар бўйича) озод қилинади.

1941-1945 йиллардаги уруш ногиронлари, I ва II гуруҳ ногиронлари мулкида бўлган мол-мулк жисмоний шахсларнинг мол-мулкига солинадиган солиқни, ер солиғини, ишлаб чиқарувчи корхона томонидан қўл билан бошқаришга мослаштирилган енгил автомобилни ва (ёки) мотоаравачани олувчи барча гуруҳлардаги ногиронлар автотранспорт воситаларини олиш ва (ёки) Ўзбекистон Республикаси ҳудудига вақтинчалик олиб кириш учун йиғимни тўламайди. 1941-1945 йиллардаги уруш ногиронлари нотариал ҳаракатлар амалга оширилганда давлат божини тўлашдан, қариялар ва ногиронларнинг интернат-уйларида яшовчи қариялар ва ногиронлар фуқароларни турар-жойга қайд этганлик ва рўйхатдан чиқарганлик ёхуд турган жойи бўйича ҳисобга олганлик учун давлат божи тўлашдан озодлар.

Ногиронларнинг жамоат бирлашмалари, «Нуроний» жамғармаси ва «Ўзбекистон чернотилчилари» асоссиатсияси мулкида бўлган, ишловчилари умумий сонининг камида 50 фоизини ногиронлар, 1941-1945 йиллардаги уруш ва меҳнат фронти фахрийлари ташкил этган юридик шахслар юридик шахслардан олиннадиган фойда солиғи, қўшилган қиймат солиғи, сув ресурсларидан фойдаланганлик учун солиқ, юридик шахсларнинг мол-мулкига солинадиган солиқ, ер солиғи ҳамда ободонлаштириш ва ижтимоий инфратузилмани ривожлантириш солиғи каби солиқлардан озоддирлар.

Ногиронларнинг жамоат бирлашмалари, шунингдек, уларнинг муассасалари, ўқув-ишлаб чиқариш корхоналари ва бирлашмалари умумий юрисдиксия ва хўжалик судларида барча турдаги даъволар бўйича ҳамда нотариал ҳаракатлар амалга оширилганда барча нотариал ҳаракатлар бўйича давлат божини тўламайди.

Вазирлар Маҳкамасининг 2006 йил 17 майдаги қарори билан Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги ҳузурида Ногиронларни

соғломлаштириш ва протезлаш миллий маркази ташкил қилинган. Ҳозирда марказда ногиронларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш борасида муайян ишлар амалга оширилмоқда.

«Жисмоний тарбия ва спорт тўғрисида»ги қонуннинг 31-моддасига биноан, мослаштирувчи жисмоний тарбия ва мослаштирувчи спорт, ногиронларни ва жисмоний имкониятлари чекланган бошқа шахсларни жисмоний реабилитация қилиш маҳаллий давлат ҳокимияти органлари, ногиронлар жисмоний тарбия ва спорт билан шуғулланишлари учун махсус жисмоний тарбия-соғломлаштириш, спорт иншоотлари яратилишини ҳамда умумий фойдаланишдаги иншоотларда бошқа шарт-шароитлар яратиб берилишини таъминлайдилар.

Юқоридагилар билан бир каторда ногиронларга меҳнат, оила, фуқаролик муносабатларида ҳам қўллаб-қувватлаш имтиёзлар яратиб берилган.

Албатта, ногиронларни ҳар тарафлама қўллаб-қувватлаш, уларга ҳаётда тенг имкониятлар яратиб бериш ва ҳуқуқий ёрдам кўрсатиш жамиятда ижтимоий мувозанатни сақлаш, ижтимоий адолат принципини қарор топтиришда муҳим аҳамиятга эга.

“Ўзбекистон Республикасида ногиронларни ижтимоий ҳимоя қилиш тўғрисида” қонунда қуйидаги асосий тушунчалар қўлланилган:

ногирон — жисмоний, ақлий, руҳий ёки сенсор (сезги) нуқсонлари борлиги туфайли турмуш фаолияти чекланганлиги муносабати билан қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда ногирон деб топилган ҳамда ижтимоий ёрдамга ва ҳимояга муҳтож шахс;

ногирон болалар — жисмоний, ақлий, руҳий ёки сенсор (сезги) нуқсонлари борлиги туфайли турмуш фаолияти чекланганлиги муносабати билан қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда ногирон деб топилган ҳамда ижтимоий ёрдамга ва ҳимояга муҳтож ўн саккиз ёшгача бўлган шахслар;

ногиронларни ижтимоий ҳимоя қилиш — ногиронларга турмуш фаолияти чекланганлигини бартараф этиши, қоплаши (компенсация қилиши)

учун шарт-шароитларни таъминловчи ҳамда уларга жамият ҳаётида бошқа фуқаролар билан тенг иштирок этиш имкониятларини яратишга қаратилган, давлат томонидан кафолатланган иқтисодий, ижтимоий ва ҳуқуқий чора-тадбирлар тизими;

ногиронларни реабилитация қилиш — ногиронларга организмининг издан чиққан ёки йўқолган функцияларини тиклашига ва уларни компенсация қилишига, турмуш фаолияти чекланганлигини бартараф этиши учун ёрдам беришга қаратилган тиббий, ижтимоий, психологик, педагогик, жисмоний, касбга, меҳнатга доир чора-тадбирлар тизими;

тиббий-ижтимоий экспертиза — муайян шахс организмининг барча тизимларини комплекс текшириш асосида унинг соғлиғини йўқотганлик даражасини, организми функциялари турғун бузилиши оқибатида турмуш фаолиятининг чекланганлик даражасини, ногиронлик гуруҳини, ногиронликнинг юз берганлиги сабаблари ҳамда вақтини аниқлаш, шунингдек шахс учун соғлиғининг ҳолатига кўра амалга ошириши мумкин бўлган меҳнат фаолияти турлари ва меҳнат шароитлари, ўзгаларнинг парваришига, санаторий-курортда даволанишнинг тегишли турларига ҳамда ижтимоий ҳимояга бўлган эҳтиёжлари ҳақида тавсиялар тайёрлаш;

шахснинг турмуш фаолияти чекланганлиги — шахснинг ўзига ўзи хизмат қилиш, ҳаракатланиш, йўлни топа олиш, мулоқот қилиш, ўз хатти-ҳаракатини назорат этиш, шунингдек ўқиш ва меҳнат фаолияти билан шуғулланиш қобилиятини ёки имкониятини тўла ёхуд қисман йўқотганлиги.⁸

Ногиронлик қандай аниқланади? Ўзбекистон Республикасининг “Фуқаролар соғлиғини сақлаш тўғрисида”ги Қонуни 37-моддасига мувофиқ, тиббий-меҳнат экспертизаси фуқаролар ногиронлигининг сабаби ва гуруҳини, уларнинг меҳнат лаёқатини йўқотганлик даражасини, улар соғлиғини тиклашнинг турлари, ҳажми ва муддатини ҳамда ижтимоий ҳимоялаш чора-тадбирларини белгилайди,

⁸ “Ўзбекистон Республикасида ногиронларни ижтимоий ҳимоя қилиш тўғрисида”ги Қонуни

тегишли хулосалар беради. Ушбу хулосалар корхоналар, муассасалар, ташкилотлар, жамоат бирлашмаларининг маъмурияти учун мажбурийдир.

Ногироннинг таълим олиш ва касб эгаллашдаги ҳуқуқлари.
Ўзбекистон Республикасининг “Ўзбекистон Республикасида ногиронларни ижтимоий ҳимоя қилиш тўғрисида”ги Қонунига мувофиқ:

- Ногирон болаларнинг мактабгача таълими мактабгача таълим муассасаларида, ихтисослаштирилган таълим муассасаларида, шу жумладан интернат-уйларда амалга оширилади.

- Ногиронларнинг умумий ўрта, ўрта махсус, касб-ҳунар ва олий таълими барча таълим муассасаларида, зарур бўлган ҳолларда эса ихтисослаштирилган таълим муассасаларида амалга оширилади.

- Ногиронларни касбга тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш таълим муассасаларида, шу жумладан ихтисослаштирилган таълим муассасаларида, шунингдек ногиронлар жамоат бирлашмаларининг корхоналарида таъминланади.

Ногиронларнинг меҳнат қилиш ҳуқуқларининг кафолатлари.
Ўзбекистон Республикасининг “Ўзбекистон Республикасида ногиронларни ижтимоий ҳимоя қилиш тўғрисида”ги Қонунига мувофиқ:

- Ногирон меҳнат шароитлари одатдагича бўлган ташкилотларда, ногиронлар меҳнатида фойдаланиладиган ихтисослаштирилган корхоналарда ишлашга, шунингдек яқка тартибдаги меҳнат фаолиятини ёки бошқа фаолиятни амалга оширишга ҳақлидир.

- Ногиронларнинг эҳтиёжларини ва маҳаллий хусусиятларни ҳисобга олган ҳолда ихтисослаштирилган корхоналар ташкил этилади. Кўзи ожиз ногиронлар шароитлари ўз имкониятларига мос келадиган ишлаб чиқаришда иштирок этишда имтиёзли ҳуқуққа эга.

- Ходимларининг сони йигирма кишидан ортиқ бўлган корхоналарда, муассасалар ва ташкилотларда ногиронларни ишга жойлаштириш учун ходимлар сонининг камида уч фоизи миқдорида иш жойларининг энг кам сони захирада сақланади.

- Маҳаллий давлат ҳокимияти органлари, ташкилотлар уйда ишловчи, шунингдек тадбиркорлик фаолиятини амалга оширувчи ногиронларга мазкур фаолият учун яшашга мўлжалланмаган жойлар берилишида, хом ашё олиши ва маҳсулот сотишида зарур ёрдам кўрсатади.

Ижтимоий муҳофазага муҳтож ва иш топишда қийналаётган шахсларни Ишга жойлаштириш учун иш ўринларини банд қилиб қўйиш тартиби тўғрисида низомга мувофиқ, ногиронлар учун банд қийиладиган иш жойлари:

- ногирон болалари бор кўп болали ота-оналар учун – болаларни тарбиялаш ва меҳнат мажбуриятлари бўйича вазифаларни уйғунлаштириш имконини берадиган, ўзгарувчан иш жадвалига эга;

- ногиронлар учун – меҳнат шароитлари бўйича аттестациядан ўтказилган ҳамда ходимга иш жараёнларини тўсқинликсиз бажариш имконини (соғлиғининг аҳволи ва меҳнат фаолиятига нисбатан белгиланган зид кўрсаткичлар ҳисобга олинган ҳолда) берадиган бўлиши зарур.

Ногиронлар саломатлигининг муҳофазаси. Ўзбекистон Республикасининг “Фуқаролар соғлиғини сақлаш тўғрисида”ги Қонуни 22-моддасига мувофиқ:

- Ногиронлар, шу жумладан ногирон болалар ва болалиқдан ногиронлар тиббий-ижтимоий ёрдам олиш, куч-қувватни тиклашнинг барча турларидан фойдаланиш, дори-дармонлар, протез-ортопедия мосламалари, ҳаракатланиш воситалари билан имтиёзли асосларда таъминланиш, шунингдек касб-кор эгаллаш ва қайта тайёргарликдан ўтиш ҳуқуқига эга.

- Ногиронлар давлат соғлиқни сақлаш тизими ва меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш муассасаларида бепул тиббий-ижтимоий ёрдам олиш, ўз уйларида парвариш қилиниш, ўзганинг парваришига муҳтож бўлган ёлғиз ногиронлар ва сурункали руҳий хасталикларга чалинган ногиронлар эса ижтимоий таъминот муассасаларида яшаш ҳуқуқига эга.

Ўзбекистон Республикасининг “Бола ҳуқуқларининг кафолатлари тўғрисида” ги Қонуни 28-моддасига мувофиқ, ногирон болалар давлат

соғлиқни сақлаш, меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш тизими муассасаларида бепул тиббий-ижтимоий ёрдам олиш, ўз уйларида парвариш қилиниш ҳуқуқига эга.

Ногиронларнинг ижтимоий ҳимояланиш кафолатлари. Ўзбекистон Республикасининг “Ўзбекистон Республикасида ногиронларни ижтимоий ҳимоя қилиш тўғрисида”ги Қонуни 26-моддасига мувофиқ, ногиронларга кўйидаги турлардаги ижтимоий ёрдам кўрсатилади:

- пул тўловлари (пенсиялар, нафақалар, бир йўла бериладиган тўловлар);
- техника воситалари ёки бошқа воситалар, шу жумладан автомобиллар, ўриндикли аравачалар, протез-ортопедия буюмлари, махсус ҳарfli матбаа нашрлари, овоз кучайтиргич аппаратлар ва сигнализаторлар билан таъминлаш;
- тиббий, касбий, ижтимоий реабилитация қилиш ва маиший хизматлар кўрсатиш;
- транспорт хизматлари кўрсатиш;
- дори воситалари билан таъминлаш.

Ўзбекистон Республикасининг “Шаҳар йўловчилар транспортдан бепул фойдаланишни тартибга солиш тўғрисида”ги Қонунига мувофиқ, 1941-1945 йиллардаги уруш ногиронлари ва урушнинг I гуруҳ ногиронига ҳамроҳлик қилувчи шахс, кўзи ожиз ногиронлар ва кўзи ожиз ногиронга ҳамроҳлик қилувчи шахслар шаҳар йўловчилар транспортдан (таксидан ташқари) бепул фойдаланиш ҳуқуқига эга.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1997 йил 2 февралдаги 532-сонли “Даволаш-профилактика муассасаларини маблағ билан таъминлаш тизимини такомиллаштириш тўғрисида”ги Қарорига мувофиқ, болалиқдан ногиронлар, I ва II гуруҳ ногиронлари, 1941-1945 йиллардаги уруш ногиронлари, шунингдек уларга тенглаштирилган шахслар, Чернобиль АЭСидаги ҳалокат оқибатларини тугатишда қатнашган ногирон шахслар турғун даволаш-профилактика муассасаларида овқатланиш тўловидан озод қилинади.

1.3. Аҳолининг ижтимоий ҳимояга муҳтож қатламлари электрон реестри ва «Ижтимоий ҳимоя» ИАТ жорий этиш.

Имконияти чекланган шахслар ва аҳолининг ижтимоий ҳимояга муҳтож бошқа қатламлари тўғрисидаги мавжуд маълумотлар унга киритилади. Октябрь ойига қадар Реестр кексалар ва ногиронларга ижтимоий хизматлар ва ёрдам кўрсатиш жараёнларида иштирок этаётган органлар ва ташкилотларнинг маълумотлар базалари билан интеграциялаштирилади.

Ушбу Реестр «Ижтимоий ҳимоя» идоралараро ахборот тизимининг бир қисмига айланади. Аҳолини ижтимоий ҳимоялаш соҳасида қуйидаги интерактив давлат хизматлари ҳам у орқали кўрсатилади:

- кекса ва ногирон кишининг электрон карточкасини юритиш, шунингдек ижтимоий хизматларнинг алоҳида дастурини ишлаб чиқиш;
- ТМЭКда текширувдан ўтиш ва алоҳида реабилитация дастурининг электрон шаклини яратиш;
- Миллий ва ҳудудий реабилитация марказларида реабилитация қилиш;
- протез-ортопедия маҳсулотлари, реабилитация техник воситалари ва кресло-коляскалар билан таъминлаш;
- санаторий-курортларда даволаниш;
- интернат муассасаларига жойлаштириш;
- уйда хизматлар кўрсатиш, ижтимоий хизматлар алоҳида дастурининг электрон шаклини яратиш;
- дори-дармонларни ҳисобга олиш ва бериш;
- қарорлар қабул қилувчи шахсларнинг мониторларида таҳлилий ахборотни акс эттирган ҳолда тақдим этиладиган хизматларнинг кўрсатилиши, ҳажми ва сифатининг мониторинги;
- ногиронлиги бўлган шахсларни иш билан таъминлаш, қайта ўқитиш ва малакасини оширишни ташкил қилиш, шунингдек иш ўринларини захирага олиш ва ушбу иш ўринларида ишга жойлаштиришни назорат қилиш;
- кекса ва ногирон кишининг электрон карточкаси архивини юритиш.

«Ижтимоий ҳимоя» ИАТ 2020 йил 1 июнгача ишлаб чиқилиб, босқичма-босқич жорий этилади. Ўша йилнинг августига келиб тизим «Электрон ҳукумат» тизимининг Идоралараро интеграция платформасига уланиши керак.

Дастурда кўриш қобилияти бузилган шахслар учун овозларни қайта эшиттириш бўйича ихтисослаштирилган дастурий маҳсулотларни жорий этиш ва АКТ инфратузилмасини ривожлантириш ҳам назарда тутилган. Ҳужжат 16.03.2018 йилдан кучга кирди.

2-БОБ. ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИДА НОГИРОНЛИГИ БЎЛГАН ОДАМЛАРНИ ИШГА ЖОЙЛАШТИРИШНИ ТАЪМИНЛАШ МУАММОЛАРИ ВА ИСТИҚБОЛЛАРИ.

Экспертларнинг баҳосига кўра, жаҳонда тахминан 650 миллион нафар одам ногирон, бу эса бутун дунёдаги мамлакатлар аҳолисининг умумий сонини 10 фоизга яқинини ташкил қилади⁹. Уларнинг 80 фоиздан кўпроғи ишсизлар, ваҳоланки, 470 миллионга яқини меҳнатга лаёқат ёшида ва оддий ишлаб чиқариш шароитларида ёки ихтисослашган корхоналарда меҳнат қилиш имкониятига эга¹⁰. Уш бу ҳолат аҳолининг мазкур гуруҳини иқтисодий, ижтимоий ва фуқаролик секторларидаги ижтимоий сегрегациясидан гувоҳлик бериши мумкин ва Инсон Тараққиёти, иқтисодий ўсиш аҳолининг барча қатламларини жалб қилиш лозимлигини англаб етишига олиб келувчи, барча учун тенг имкониятларни тақдим этувчи, барқарор бўлишини таъминлайдиган концепцияни янада илгари суриш учун тўсиқ бўлади. Статистик маълумотлар таҳлилини кўрсатишича, Ўзбекистон Республикасида 780 мингдан ортиқ ногиронлиги бўлган одамлар истиқомат қилади. Улардан I-гуруҳ ногиронлари 8,5 фоиз, II-гуруҳ ногиронлари 71 фоиз ва III-гуруҳ ногиронлари 20,5 фоизни ташкил қилади. Улар орасида 16 ёшгача бўлган болалар 97 минг нафарни ташкил қилади. Ишлайдиганлар сони 34 минг нафарга яқиндан иборат (16 ёшдан катта бўлган ногиронлиги бор одамларнинг умумий сонини беш фоизга яқини). Шу билан бирга, ногиронликнинг энг оғир кўриниши бўлган одамлар (I-гуруҳ ногиронлари) 3,5 фоизни, ўртача оғирликдаги ҳаёт фаолиятида бузилиш бўлганлар (II-гуруҳ ногиронлари) 55,8 фоизни ва унчалик катта бўлмаган бузилишлилар сони (III- гуруҳ ногиронлари) 40,7 фоизни ташкил қилади. Шу аснода, ногиронлиги бўлган одамларнинг ишга жойлаштириш долзарб бўлиб қолмоқда.

⁹ Глобал ногиронлик. Рақамлар ва фактлар Манба: <http://www.un.org>.

¹⁰ Халқаро Меҳнат Ташкилоти (ILO). <http://www.un.org>

Ҳозирги вақтда ногиронлиги бўлган одамларни ижтимоий муҳофаза қилиш тизими ислоҳ қилиш жараёнида турибди. Илгарилари ҳасталик – ногиронлик – меҳнатга лаёқатсизлик тушунчасини тенглигига асосланган ҳаёт фаолиятининг турли хил мезонларини чеклаш даражасини аниқлашга асосланган манзилли ёндашувга босқичма-босқич ўтиш юз бермоқда. Ногиронликни аниқлашни тартиби, давлатнинг ижтимоий имтиёзлар ва кафолатларни тақдим этиш тартиби қайта кўриб чиқилди. Илгарилари учинчи гуруҳ ногиронлиги бўлган шахслар (меҳнатга қобилияти бузилмаган ҳаёт фаолиятининг анчагина енгил чекланишлари билан тавсифланадиганлар) ногиронлик бўйича пенсия олишарди. 2011 йилнинг январ ойидан бошлаб, 2010 йилнинг 22 январиди қабул қилинган Ўзбекистон Республикасининг “Фуқароларни давлат пенсия таъминоти тўғрисида”ги Қонунга ўзгартишлар ва қўшимчалар киритиш ҳақида”ни Қонунига кўра учинчи гуруҳ ногиронлиги ўрнатилган шахслар ногиронлиги бўйича пенсия олмайди ва ишга жойлаштирилиши лозим. Шу муносабат билан иш қидираётган ногиронлиги бўлган одамларни сони сезиларли даражада ошишини кутиш даркор бўлади. Шу нарса аниқки, аҳолининг мазкур қатламини бандлигини таъминлаш бўйича махсус чоралар қўлланилиши лозим. Давлат учун ногиронлиги бўлган одамларни ишга жойлаштиришни иқтисодий аҳамиятини деярли баҳолаб бўлмайди, бироқ уни рақамлардаги тўлиқ фойдасини ҳисоблаб чиқиш мураккаб иш, чунки у пул кўринишида ҳисоблаш чиқиш қийин бўлган кўплаб омилларнинг йиғиндисидан иборат бўлади. Сон сифатида ҳисоблаш енгил кечадиган омиллардан бири – бу Ўзбекистоннинг расмий секторида ишловчи ногиронлиги бўлган шахслар бюджетдан ташқари фонддан олинадиган пенсияларини 50 фоизга яқинини қоплашади, қўшимча тарзда бандликка кўмак бериш фондига маблағ ажратади ва бир қатор ҳолатларда даромад солиғини тўлашади. Ногиронлиги бўлган шахсларни ишга жойлаштиришни аҳамиятини пасайтирмаган ҳолда қайд этишимиз керакки, уларни иш билан таъминлашни ижтимоий аҳамияти жуда ҳам муҳим ҳисобланади. Ишга жойлаштириш нафақат моддий

таъминланишни англатади. Ногиронлиги бўлган одамларни ишга жойлаштиришнинг ижтимоий аҳамияти уларни ўз-ўзини намоён қила олиш, жамият ривожига ўзларининг ноёб ҳиссаларини қўшиш имконияти, мулоқот ва жамиятига киришишлари учун имкониятларни тақдим этишни таъминлашдан иборатдир. Ногиронлиги бўлган одамларни ишга жойлаштириш уларга нисбатан бўлган ачиниш, қобилиятига ишончсизлик, ҳамда уларни жамият учун ортиқча ташвиш келтирувчи кўринишда бўлган бир тахлитдаги муносабатларни бартараф қилиш имконини беради. Ўзбекистон Республикаси Биринчи Президенти И. Каримов таъкидлаганидек, *“ногиронларни жисмоний имкониятларини инобатга олган ҳолда уларни ўқитиш, қайта ўқитиш ва келгусида ишга жойлаштириш бўйича аниқ мақсадли тадбирларни ўтказиш зарур”*¹¹. Шу муносабат билан Ўзбекистонда ногиронлиги бўлган одамларни ишга жойлаштиришни таъминлашга йўналтирилган чораларни иқтисодий ва ижтимоий самарадорлигини аниқлаш, фуқароларнинг мазкур қатламини ишга жойлаштиришни таъминлайдиган меъёрий-ҳуқуқий база ва институционал механизмларни аниқлаштириш, ишга жойлаштиришнинг амалдаги тизимини самарадорлигини ошириш бўйича таклифларни ишлаб чиқиш лозим.

2.1. Ногиронлиги бўлган одамларни ишга жойлаштиришда жаҳон тажрибаси маълумоти ва уни Ўзбекистон шароитида қўллаш истиқболлари.

Жаҳон тажрибасини кўрсатишича, ногиронлиги бўлган одамларни самарали ишга жойлаштиришга мазкур жараённинг барча иштирокчиларини: ногиронлиги бўлган одамларни, давлат хизматларини, жамоатчилик ташкилотларини, иш берувчиларни жалб қилган ҳолдагина мажмуавий ёндашув ташкил қилинишига эришилади. Турли мамлакатларда

¹¹ Каримов И. А. Ўзбекистон 21-аср бўсағасида. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси 14-сессиясининг биринчи чақириғи, 1999 й. 14 апрел. 7-том, 208-бет.

ногиронларни самарали ишга жойлаштиришни таъминлашда ўзининг самарадорлигини исботлаган чоралар орасида қуйидагилар ажралиб туради:

- Ишга жойлаштиришда камситишга қарши қонунчиликни имплементацияси;

- Иш ўринларини квоталаш;

- Ишга жойлаштириш жараёнига машғулотлар билан даволаш бўйича мутахассислар ва ижтимоий ходимларни жалб қилиш;

- Ногиронлиги бўлган одамларни вақтинчалик ёки синаб кўриш учун ишга жойлаштириш;

- Иш берувчини ва иш ўрнидаги ногиронлиги бўлган одамни ижтимоий қўллаб-қувватлаш;

- Ижтимоий корхоналарни яратиш;

- Ногиронларнинг жамоатчилик ташкилотларини ишга жойлаштириш жараёнига фаол жалб қилиш.

Иш ўринларини квоталаш Германия, Австрия, Италия, Франция, Испания, Япония ва бошқа мамлакатлар қонунчилигида назарда тутилган. Квоталанган жойларни тақдим этишга мажбур бўлган корхоналардаги ходимларнинг энг кам сони 20 дан 50 нафаргача оралиқда. Шу билан бирга, квота ҳажми ногиронлиги бўлган ходимларнинг иккидан то олти фоизгачасини ташкил қилади (эслатиб ўтамиз, Ўзбекистонда корхона ходимларининг энг кам сони 20 нафарни ташкил қилади, ногиронлиги бўлган одамлар учун квота уч фоиз). Баъзи мамлакатларда, масалан, АҚШ ва Буюк Британияда иш берувчилар учун ногиронларни ишга жойлаштиришда мажбурлаш чоралари йўқ, лекин камситилишга қарши қонунчилик бор, унга кўра, иш берувчи ишга номзод бўлганларнинг ва ишлаётган ходимларнинг барчаси учун тенг шароитларни яратиши лозим. Жумладан, суҳбатлашиш вақтида сенсор бузилишлари бўлган одамлар мулоқот учун барча материаллар ва воситалар билан таъминланиши лозим, шахсий саволларни бериш, баъзи ҳолатларда эса, тиббий маълумотномани талаб қилиш таъқиқланади. Дунёнинг аксарият ривожланган мамлакатларида (Швейцария,

Австралия, Франция, Корея, Италия, Россияда), Ўзбекистонда бўлгани каби, ногиронлиги бўлган одамни ишга жойлашишига қарамасдан пенсия тўловларини сақлаб қолиниши уни ишга жойлашишига рағбатлантиради, чунки бу вазиятда ногирон одам пенсиясидан маҳрум бўлишдан чўчимайди ва кўшимча даромад олиши мумкин. Баъзи мамлакатларда (АҚШ, Буюк Британия, Германия, Норвегия) ишга жойлашишда пенсия тўловлари маълум белгиланган вақт мобайнида, уч ойдан уч йилгача, амалга оширилади ва муваффақиятли ишга жойлашиш, соғлиқни ёмонлашмаганлиги ва ўрнатилган даражадан кам бўлмаган ойлик маоши олиш шароитида тўхтатилади.

Машғулотлар билан даволаш бўйича мутахассисларни ва ижтимоий ходимларни ишга жойлаштириш жараёнига жалб қилиш. Ғарб мамлакатларида, Россия, Украина, Белоруссияда кенг қўлланилади. Оккупационал (эрго) терапия, ёки кундалик машғулотлар билан даволаш бу – ногиронлиги бўлган одамларни йўқотилган ёки мавжуд бўлмаган кўникмаларни шакллантириш орқали фаол ҳаракатчанликка кўшиш, реабилитациянинг техник воситаларини қўллаш, ҳаёт фаолиятининг муҳитини мослаштиришдир. Оккупационал терапевт, у мазкур соҳада олий маълумотга эга бўлган, жумладан, етуклик ёшида ногирон бўлиб қолган одамларни ижтимоий-маиший мослашуви ва йўналтирилиши билан шуғулланувчи, уларнинг муваффақиятли меҳнат фаолиятини тикловчи ёки шакллантирувчи мутахассис. Бу жаҳоннинг турли мамлакатларида мавжуд бўлган ихтисослик. Афсуски, Ўзбекистонда оккупационал терапия бўйича мутахассислар тайёрланмайди. Боз устига, республикада реабилитология бўйича шифокорлар ҳам тайёрланмайди. Бу, жумладан, яқка тартибдаги реабилитация дастурининг ижтимоий ва меҳнат қисмларини ишлаб чиқиш ва амалга оширишда юзага келадиган қийинчиликлар билан ифодаланди. Ўзбекистонда 2006 йилдан бошлаб бакалаврият ва магистратура даражасида ижтимоий ходимларни тайёрлаш бошланди, лекин ҳатто мамлакатнинг тиббий-ижтимоий мауассасаларида дипломли ижтимоий ходимлар учун штат бирликлари мавжуд эмас. Эҳтимол, Ўзбекистон Республикасида яқка

тартибдаги реабилитация дастурининг ижтимоий-маиший ва меҳнат қисмларини шакллантириш бўйича зарур бўлган услубий ҳужжатларни мавжуд эмаслиги ижтимоий иш ва оккупационал терапия бўйича мутахассисларни йўқлигини сабаларидан бири бўлиши мумкин. Россия, Украина ва Белоруссияда яққа тартибдаги реабилитация дастурини тузиш учун уч ойлик муҳлат ва ижтимоий ходим, оккупационал терапевт, реабилитолог ва бошқа мутахассисларнинг текшируви керак бўлади.

Иш ўрнини жиҳозлаш ва мақбул мослаштириш аксарият мамлакатлар, шу жумладан, АҚШ ва Буюк Британия қонунчилигига мувофиқ, Ўзбекистонда бўлгани каби, иш берувчи ҳисобига ташкил этилади. Кўплаб мамлакатларда, агарда иш ўринлари квотадан ортиқ равишда яратилса, иш берувчи давлат бюджетидан компенсация олиши мумкин¹².

Вақтинчалик ёки синов сифатида ишга жойлаштириш кўплаб ривожланган мамлакатларда фойдаланиладиган усул ва у ногиронлиги бўлган одамларга ҳам, иш берувчиларга ҳам фойдали. Бу усул уларни ўзлари учун бажаришга қурби етмаслигини биладиган жавобгарликни олмаслик имконини беради. Чунки кўплаб ногиронлиги бўлган одамлар мажбурий ажратиб қўйилиш оқибатида жуда ҳам чекланган ижтимоий тажрибага эга (уйда таҳсил олиш, махсус интернатларда ўқиш, махсус болалар уйларида ва ногиронлар уйларида истиқомат қилиш ва бошқалар), уларга меҳнат интизомини ва корхоналарда бўлган мансаб даражаларини дарҳол ўзлаштириш, ҳамкасблар билан ўзаро муносабатлар жараёнини ўрнатиш ва мулоқот қоидаларини ўзлаштириш қийин кечади. Бошқа томондан, кўплаб иш берувчиларда ногиронлиги бўлган одамларни ўз корхонасида ишлаши имконияти ва фойда келтира олиши борасида нотўғри тушунчалар бор. Вақтинчалик ишга жойлаш бу муаммони ҳал қилиш имконини беради. Бошқа шакллар қуйидагича: бу – “пассив амалиёт”ни ташкил этиш, бу ҳолатда келажакда бажариш учун номзод бўлган ногиронлиги бўлган одам ишлаётган

¹²http://dfgszn.kostroma.ru/index.php?option=com_content&view=article&id=104&Itemid=393; <http://www.gczn.nsk.su/additional/2010-12-16-07-29-39>

ходим ўз вазифасини қандай бажараётганини оддийгина кузатиб туради. Шунингдек, корхонага экскурсиялар ҳам ўтказиб турилади¹³. Ўзбекистонда таълимнинг мазкур барча усуллари коллежлар ёки олий ўқув юртлари талабалари учун ташкил этилади, аммо ногиронларнинг жамоатчилик ташкилотларини кўплаб раҳбарлари ўз аъзоларини ишга жойлаштириш имкониятини ошириш учун мана шундай чораларга жуда ҳам эҳтиёж сезишлари ҳақида сўзлашади.

Ногиронлиги бўлган одамни ишга жойлашганидан сўнг ижтимоий қўллаб-қувватлаш, ҳамда иш берувчиларни қўллаш келгусида уни самарали ишлашини таъминлаш учун зарур чора сифатида тан олинади. Турли мамлакатларда бу чора ҳар-хил кўринишга эга: мана шундай ишга жойлаштиришнинг ижобий тажрибасига эга бўлган, янги ишчи билан маълум вақт мобайнида ёки зарурат туғилганда бирга бўлувчи ногиронлар ташкилотининг аъзоси ҳамроҳ бўлиши мумкин; ногирон ишга жойлашаётган корхонанинг ижтимоий хизмат ходими ёки масъул ходими¹⁴. Япониянинг “Бандликка кўмак бериш тўғрисида”ги қонунига мувофиқ, агарда корхона ногиронлиги бўлган ишчилардан беш нафари ёки ундан кўпроғини ишга ёлласса, у махсус маълумоти бўлган, ногиронлиги бўлган одамларга маслаҳат берувчи ва кўмак кўрсатувчи “профессионал ҳаёт бўйича маслаҳатчи”ни ишга ёллашга мажбур бўлади. Шунингдек, иш берувчини қўллаш режасини ишлаб чиқилади, унда ишчининг эҳтиёжларини аниқлашда, иш жойини мослаштиришда ва бошқаларда ёрдам берилади¹⁵. Буюк Британияда “Show Trust” миллий ҳайрия ташкилоти мазкур ишни бажариш учун кўнгиллиларни жалб қилади¹⁶. Қайд этиш лозимки, нодавлат ташкилоти бўлган “Show Trust” мазкур фаолиятни амалга ошириш учун давлат бюджетидан молиялаштирилади. Мана шундай ҳолат кўплаб бошқа мамлакатларда ҳам мавжуд.

¹³ Perry, Debra A., *EmployAbility: resource guide on disability for employers in Asia and Pacific*. - Bangkok: ILO, 2007.

¹⁴ *Employing persons with disabilities*. ITC – Welcomegroup, 2008.

¹⁵ Support for Employers Concerning Employment of Persons with Disabilities http://www.jeed.or.jp/english/support_for_emp_dis.html

¹⁶ Show Trust UK *Real Changes, Real Lives: Impact Report 2008/2009*. – London: Show Trust, 2010

Жаҳон тажрибасини кўрсатишича, **жамоатчилик ташкилотларини ногиронлиги бўлган одамларни ишга жойлаштириш жараёнига фаол жалб қилиш** мазкур жараённи муваффақиятининг зарур шарти ҳисобланади. Биринчидан, мазкур ташкилотлардан фойдаланишнинг афзаллиги уларни ногиронларни ишга жойлаштириш жараёнидаги юқори асослангани, кейин муаммони “ичидан” билишлик, мақсадли гуруҳларни унга бўлган ишончи, муваффақиятли тажрибани “тенг-тенгга” дастури воситасида тақдим этиш имконияти, юқори уйғунлик ва ўзи қўллаётган усулларнинг турфалиги. Жамоатчилик ва ноижорат ташкилотларини ишга жойлаштиришда хизматларни тақдим этувчи сифатида ишлатишнинг энг ёрқин мисолларидан бири Буюк Британиядаги ногиронларни ишга жойлаштириш бўйича хизматларни энг йирик кўрсатувчиси бўлган “Show Trust” хайрия ташкилотидир. У ўз фаолияти давомида 160 мингдан кўпроқ одамни қўллаб-қувватлаган. Буюк Британия аҳолисини ижтимоий ҳимоя қилиш тизимида ишлатиладиган “пул миждознинг ортидан келади” тамойилидан фойдаланган ҳолда ушбу ташкилот давлат томонидан мазкур хизматларни кўрсатиш учун эълон қилинадиган тендерларда мунтазам равишда ғолибликни қўлга киритиб келмоқда. “Show Trust” ногиронлиги бўлган одамларни ишга жойлаштиришнинг барча босқичларида қўллайдиган, шу жумладан, ижтимоий таъминот масалалари бўйича яширин маслаҳатлашувлар, касбий йўналишлар, таълим олишга эҳтиёжни аниқлаш, ишга жойлашишга тайёргарлик бўйича тренинглар, синов сифатида ишга жойлаштириш, молиявий мадад, ишга жойлашгандан кейинги ҳамроҳлик, иш берувчилар муаммоларини ҳал қилиш, иш ўринларини мослаштириш¹⁷.

Шунга ўхшаш фаолият Ўзбекистонда ҳам ривожланмоқда. Юқорида тилга олинган Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги ва Ўзбекистондаги БМТТДнинг «ACCESS» қўшма лойиҳаси доирасида мазкур йўналишдаги ишларнинг юқори самарадорлиги намоён қилинди. Ногиронлиги бўлган одамларнинг тўртта ННТ (ННТ «Миллениум», «Опа-

¹⁷ www.shaw-ttust.org.uk

сингиллар», АДЖИ РУз, Ўзбекистон ногиронлар жамиятининг Юнусобод бўлими) мазкур ишга волонтер ташкилот сифатида, фаолиятларини молиявий таъминламасдан, жалб қилинди ва натижада, бир ярим йиллик муддат мобайнида улар 203 нафар одамни муваффақият билан ишга жойлаштиришди, шу билан бирга, намунали бандликка кўмак бериш марказлари томонидан ишга жойлаштирилганлар сони 218 нафарни ташкил қилди. Ваҳоланки, бандликка кўмак бериш марказлари муваффақият билан ишга жойлаштириш учун анчагина катта маъмурият воситаларга ва ахборот ресурсларига эга эдилар, давлатдан молиялаштирилган ва ойлик маошларини олиб туришган, шунингдек, лойиҳа доирасида ННТлар билан тенг равишда ахборот- техник мададни олишган. Ҳар ҳолда, агарда ННТлар мазкур фаолиятни ўтказиш учун молиялаштирилганида ва унга ўзининг қўп сонли волонтерлик ишининг йўналишларидан бири сифатида қарамасдан кўпроқ вақт ажратганида, натижалар анчагина юқори бўларди. Ундан ташқари, ННТларга ишга жойлаштириш бўйича хизматларни кўрсатиш учун давлат грантларини берилиши мазкур йўналишдаги ишни самарадорлигини нафақат оширарди, балки, ўз навбатида, мазкур хизматларни кўрсатадиган ННТлар аъзолари учун янги иш ўринларини яратиш имконини берарди.

Очиқ меҳнат бозорида ишга жойлашиш мумкин бўлмаган ногиронлиги бўлган одамларга ёрдам блеришга ихтисослашган **ижтимоий корхоналарни яратиш**, фуқароларнинг мазкур қатлами бандлигини таъминлаш бўйича яна бир чора ҳисобланади. Қатор ижтимоий корхоналар ногиронлар одамларнинг доимий бандлигини таъминлайди, бошқалари профессионал таълимни ва ижтимоий реабилитацияни таъминлайди, кейин эса очиқ меҳнат бозорида ишга жойлаштиради¹⁸.

Шу билан бирга, Европанинг деярли барча мамлакатларида ва Осиёнинг баъзи мамлакатларида ижтимоий корхоналар феномени фаол ривож топмоқда ва тегишли қонун ҳужжатлари қабул қилинаётган бир вақтда,

¹⁸ Social enterprise: a new model of reducing poverty and increasing employment, - The Regional Bureau of UNDP for Europe and CIS, 2008

Ўзбекистонда “ижтимоий корхона” тушунчасини қонунчиликда мавжуд эмас.

Ҳозирги вақтда, Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги ва Ўзбекистондаги БМТТДнинг «ACCESS: бараварлик, фидокорлик, ногиронлиги бўлган одамларни ишга жойлаштириш ва ижтимоий ҳимоя қилиш” қўшма лойиҳаси доирасида ногиронликнинг оғир кўринишлари бўлган одамларни ишга жойлаштириш имконини берадиган бешта намунали (пилот) ижтимоий корхонаси яратилди. Мазкур корхоналар даромадининг бир қисми турли ижтимоий мақсадларга, шу жумладан, моддий ёрдам кўрсатиш ва ногирон одамларга касбий таълим беришга йўналтирилмоқда.

2.2. Ўзбекистонда ногиронлиги бўлган одамларни ишга жойлаштиришнинг самарадорлигини аниқловчи омиллар.

2.2.1. Жамоатчилик фикри, ишонч ва қадриятлар.

Тошкент, Самарқанд ва Шаҳрисабз шаҳарларида ногиронлиги бўлган одамларга жамиятнинг муносабатини аниқлаш учун аҳоли, давлат ва жамоатчилик ташкилотлари вакиллари билан бешта фокус-гурух ўтказилди, 17та чуқурлаштирилган интервьюлар ўтказилди, газеталардаги 175та мақолаларнинг контент- таҳлили амалга оширилди. Тадқиқотда жами 160 нафар одам иштирок этди.

Тадқиқот натижасида ногиронлиги бўлган одамларга нисбатан мос бўлмаган муносабатда бўлишлик уларни ишга жойлаштиришдаги асосий тўсиқлардан бири ҳисобланиши аниқланган. Ўзбекистонда ногиронлиги бўлган одамларни ишга жойлаштиришдаги тўсиқлар орасида қуйидаги жамоатчилик қарашлари ажралиб туради:

- ногиронлиги бўлган одамни оиласининг ижтимоий мақомини пасайтириш омили сифатида қабул қилиниши;

- ачиниш муносабати ва ногиронлиги бўлган одамни қобилиятига етарли баҳо бермаслик;

- «тиббий» афсоналар ва ногиронлиги бўлган ва доимо махсус ёндашувлар, махсус шароитлар, махсус воситаларга муҳтож бўладиган одамларга бемор сифатида қараш;

- ногиронлиги бўлган одамга оиласининг ижтимоий мақомини пасайтириш омили сифатида қараш ўзларининг бошқа болаларини ҳурматли оилаларнинг фарзандлари билан никоҳдан ўтишига ҳалақит бермаслик учун оилалар ногиронлиги бўлган фарзандлар ва ёшларни беркитишни афзал кўришларига олиб келади. Натижада бу ҳолат уларга социумга фаол кўшилишга, профессионал таълим олишга ва ишга жойлашишга ҳалақит беради.

Шунингдек, ҳурматли оилаларда “бемор”ни ишлашга “мажбурлаш” эмас, балки таъминлаш учун етарли даражада маблағ бор, деган ишонч бор.

Ачиниш муносабатлари ва ногиронлиги бўлган одамнинг қобилиятига етарли баҳо бермаслик ҳам яқинлари, ҳам иш берувчилар ногиронлиги бўлган одамларнинг имкониятларига ишонмаслигида намоён бўлади, уларда боқимандалик мавқеини шакллантиради ва гоҳида уларни таълим олиши ва ишга жойлаштириш учун ресурсларни жойлашни истамайдилар.

“Тиббий” афсоналар ва ногиронлиги бўлган одамни бемор ва ҳар доим махсус ёндашувларга, махсус шароитларга, махсус воситаларга муҳтож, деб ҳисоблаш ногиронлиги бўлган одамларни ишга жойлаштириш йўлидаги ҳал қилиниши энг қийин бўлган ва кенг тарқалган муаммо ҳисобланади. Бу фикрларга қарамасдан, тадқиқотларни кўрсатишича, ногиронлиги бўлган ходимлар касаллик варақасини камдан-кам ҳолатларда олишади, ногиронлиги бўлган одамларни иш жойида бўлиши анча юқори¹⁹, ногиронлиги бўлган ишчиларнинг 73 фоизи эса алоҳида бир шароитларни яратилишига умуман эҳтиёж сезмайдилар. Боз устига, ногиронлиги бўлган

¹⁹ Employing persons with disabilities. ITC – Welcomegroup, 2008; Zadek and Scott Parker (2001) UK Disability Employers Forum (EDF), Business Link <http://www.businesslink.gov.uk/404.html>; Fast Forward (UK employers' organization) <http://www.businesslink.gov.uk/404.html>

ходимлар камдан-кам ишдан бўшайдилар, бу билан эса улар кадрлар кўнимсизлиги билан боғлиқ бўлган юқори ҳаражатларни пасайтирадилар²⁰.

2.2.2. Меъёрий-ҳуқуқий база ва институционал механизмлар.

Ногиронлиги бўлган шахсларни ишга жойлаштиришнинг ўрни. Ўзбекистон Республикасининг «Ногиронларни ижтимоий ҳимоя қилиш тўғрисида»ги Қонуни билан ногиронлиги бўлган шахсларнинг ҳуқуқларини амалга оширилиши кафолатлари белгилаб қўйилган.

24-модда. Меҳнат қилиш ҳуқуқини ногиронлар томонидан рўёбга чиқариш:

Ногирон меҳнат шароитлари одатдагича бўлган ташкилотларда, ногиронлар меҳнатида фойдаланиладиган ихтисослаштирилган корхоналарда, цехлар ва участкаларда ишлашга, шунингдек қонун билан таъқиқланмаган якка тартибдаги меҳнат фаолиятини ёки бошқа фаолиятни амалга оширишга ҳақлидир.

Ногиронлиги туфайли ногирон билан меҳнат шартномаси тузишни ёки иш юзасидан уни юқори лавозимга кўтаришни рад этишга, у билан тузилган меҳнат шартномасини иш берувчининг ташаббуси билан бекор қилишга, ногиронни унинг розилигисиз бошқа ишга ўтказишга йўл қўйилмайди, **тиббий-ижтимоий экспертизанинг хулосасига кўра** ногироннинг соғлиғи касб вазифаларини бажаришга монелик қилган ёки ногироннинг ёхуд бошқа шахсларнинг соғлиғи ва меҳнат хавфсизлигига таҳдид қилган ҳоллар бундан мустасно. Ногирон ўз меҳнат қобилиятини тиклаганидан кейин илгариги ишига ёки шунга тенг ишга жойлашиш ҳуқуқига эга. Иш қидираётган кимса сифатида фақат ВТЭЖнинг хулосасига кўра меҳнат фаолиятини амалга ошира олиш имкониятига эга бўлган ногиронларгина рўйхатга олиниши мумкин²¹.

²⁰ Глобал ногиронлик. Рақамлар ва фактлар Манба: <http://www.un.org>.

²¹ Фуқароларни меҳнат бўйича идораларда рўйхатдан ўтказиш, уларни ишга жойлаштириш, ишсизлик бўйича нафақаларни тайинлаш ва тўлаш тартиблари ҳақидаги қоида Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 1991 йилнинг 13 октябр куни 831 рақами билан рўйхатдан ўтказилган.

Молия вазирлиги тизимидаги Тиббий-ижтимоий экспертиза хизмати (ВТЭК) ногиронлик гуруҳини белгилаш жараёнида меҳнат фаолиятига лаёқатни чекланганлиги даражасини ўрнатиши шарт (чегаралашнинг учинчи, иккинчи ёки биринчи босқичи). Ногиронлик гуруҳи, шунингдек, меҳнат фаолиятига лаёқатини чекланишини кўрсатмасдан ҳам ўрнатилиши мумкин. Ногиронлик гуруҳи ва меҳнат фаолиятига лаёқатни чеклаш даражаси аниқланганидан сўнг ВТЭК ногиронни реабилитация қилишнинг яқка тартибдаги дастурини ишлаб чиқади, унда ногиронни меҳнат фаолияти ва машғулотлар турлари кўрсатиб ўтилган, ўқитиш ва қайта ўқитишга эҳтиёж борасидаги ўзига жамлаган ишга жойлаштириш эҳтимоли бўйича тавсиялар ва хулосалар ўрин олади. ВТЭКнинг хулосаси корхоналар, муассасалар, ташкилотлар, жамоатчилик бирлашмалари маъмуриятлари учун мажбурий ҳисобланади²².

Шу билан бирга, тасдиқланган **стандартлар ва меҳнат тавсияларини ишлаб чиқиш тартиблари** мавжуд эмас. Ундан ташқари, ногиронни яқка тартибдаги реабилитация қилиш дастурининг тасдиқланган намунали меъёрига кўра, унда Ўзбекистон Республикаси Меҳнат кодексининг талабаларига тўлиқ бўлмаган иш вақти режими, иш ҳажмини камайтириш ва бошқа бўлимларни киритиш тўлиқ назарда тутилмаган²³. ВТЭК мутахассислари томонидан мос мутахассислик, ишни хусусияти ва шароитлари ва бошқалар қандай қилиб белгиланиши аниқ эмас. ВТЭК ходимлари асосан тиббиёт ходимлари бўлиб²⁴, улар ногиронни реабилитация қилишнинг яқка тартибдаги дастурини ишлаб чиқишда касбий ва ижтимоий

²² Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2009 йилнинг 18 мартдаги “Ногиронларни реабилитация қилишнинг яқка тартибдаги дастури ҳақидаги қонидани тасдиқлаш ҳақида”ги қарорининг 2-банди, 5-, 6-, 7- қуйи бандлари. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2008 йилнинг 8 августдаги 175 рақамли “Врачлик-меҳнат экспертизаси хизматини бошқариш тузилмасини такомиллаштириш ва уни ташкил қилиш бўйича чоралар тўғриси”ги қарори – учинчи илова, 12-банд. Ўзбекистон Республикасининг 2008 йилнинг 11 июлидаги №ЗРУ-162 “ Ўзбекистон Республикасида ногиронларни ижтимоий ҳимоя қилиш тўғрисида”ги Қонун (янги таҳрирдаги), 14-23 моддалар. 1996 йилнинг 29 августдаги ЗРУ-266-1 рақамли “Ўзбекистон Республикаси фуқароларини соғлиғини ҳимоя қилиш тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни. 37-модда.

²³ 1995 йилнинг 21 декабридаги Ўзбекистон Республикаси Меҳнат кодекси, 220 модда.

²⁴ Фуқароларни меҳнат бўйича идораларда рўйхатдан ўтказиш, уларни ишга жойлаштириш, ишсизлик бўйича нафақаларни тайинлаш ва тўлаш тартиблари ҳақидаги қонда Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томо- нидан 1991 йилнинг 13 октябр куни 831 рақами билан рўйхатдан ўтказилган.

омилларни баҳолашлари қийин бўлгани туфайли муаммо янада мураккаблашади. Амалдаги қонунчиликка мувофиқ, ногиронни реабилитация қилишнинг алоҳида дастурини тузиш учун ижтимоий ва касбий реабилитация бўйича мутахассисларни жалб қилиш ва меҳнат фаолиятига лаёқатни чеклаш даражасини ВТЭКда ўрнатиш мумкиндиру, лекин бу имконият амалиётда камдан-кам қўлланилади.

Меҳнат фаолиятига лаёқатни чеклаш даражасини ўрнатиш жараёни қатор саволларни келтириб чиқаради. Масалан, меҳнат фаолиятига лаёқатни чеклашнинг учинчи даражаси (одатда ногиронликнинг биринчи гуруҳи билан мос келувчи чекловнинг энг юқори даражаси)га эга бўлган ногирон ишга жойлаша олмайди, чунки ногиронни реабилитация қилишнинг дастурида унга ишга жойлаштириш бўйича ёки касбий кўринишдаги реабилитация тадбирлари бўйича ҳеч қандай тавсиялар назарда тутилмаган. Юқорида тилга олинган ҳуқуқий меъёрларга мувофиқ, иш берувчи уни ишга қабул қилишда рад жавобини беради.

Албатта, агарда фуқаро ВТЭК хулосасига рози бўлмаса, у юқорида турувчи ВТЭК, ҳамда суд орқали ундан шикоят қилиши ва меҳнат фаолиятига лаёқатни чеклаш даражасини камайтиришга ва шундай қилиб, иш қидиришни қонуний имкониятига эришиши мумкин.

Аммо меҳнат фаолиятига лаёқатлилиқни чеклаш даражасини қайта кўриб чиқиш анчагина мураккаб жараён ҳисобланади, чунки мазкур кўрсаткич ногиронлик гуруҳини ўрнатиш ва оқибатда, пенсия миқдорини аниқлаш билан бевосита боғлиқдир²⁵.

Шундай қилиб, иш берувчи ишга қабул қилиши учун меҳнат фаолиятига лаёқатлиқни чеклаш даражасини қайта кўриб чиқиш учун ВТЭКка мурожаат

²⁵ Етарли даражада меҳнат стажига эга бўлганларга ногиронлик бўйича пенсия ҳисоблашда биринчи ва иккинчи гуруҳ ногиронлиги бўйича пенсиянинг асосий миқдори ўртача ойлик маошининг 55 фоизини ташкил қилади, учинчи гуруҳ ногиронлиги бўйича пенсияларни тўлаш назарада тутилмайди. Етарли даражада меҳнат стажига эга бўлмаган ногиронлар учун пенсия миқдори стажга эга бўлганга нисбатан пропорционал тайинла- нади, лекин 1-гуруҳ ногиронлари учун энг кам иш ҳақининг 100 фоизидан ва 2-гуруҳ ногиронлари учун энг кам ойлик маошининг 50 фоизидан кам бўлмаслиги керак. (Ўзбекистон Республикасининг 1993 йил 3 сентябридаги “Фуқароларни давлат пенсияси таъминоти тўғрисида”ги Қонуни, 17, 18,Э 26, 29 моддалар. Ўзбекистон Респу- бликасининг “Фуқароларни давлат пенсияси таъминоти тўғрисида”ги Қонунига ва 2010 йилнинг 22 декабрида- ги Ўзбекистон Республикаси Меҳнат кодексига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақида”ги Қонуни.

килган одам меҳнат фаолиятига қодирликни чеклаш даражасини қайта кўриб чиқилиши билан (мазкур параметр билан боғлиқ бўлган) ногиронлик гуруҳи ҳам қайта кўриб чиқилишига дуч келади. Меҳнат тавсияларини ишлаб чиқиш стандартларини йўқлиги ВТЭКка аъзо шифокорлар, пенсияни олишни таъминловчи 1- ёки 2- гуруҳ ногиронлигини сақлаган ҳолда меҳнат фаолиятига қодирликни чеклаш йўқлиги вазиятида хатога йўл қўйишдан кўрқишади. Бу ногиронлиги бўлган одамда меҳнат фаолиятига лаёқатни чеклаш йўқлиги ҳолатидан келиб чиқиб ногиронлик гуруҳини олиб ташлаш туфайли пенсия таъминотидан маҳрум бўлиб қолиш қўрқувини келтириб чиқаради, бу нарса аксарият ҳолатларда ногиронлиги бўлган одамларни умуман ишга жойлашиш иштиёқини пасайтиради ёки норасмий бандлик билан шуғулланишга туртки беради (ногиронлиги бўлган одамларни ўрганиш, ҳамда ВТЭК томонидан фокус-гуруҳларда ўтказилган барча сўровда қатнашганлар томонидан мазкур муаммо билдирилган).

Шундай қилиб, ногиронлиги бўлган ишга жойлашишга интилаётган одамга ВТЭКнинг мазкур мавқеда ишлаш (“меҳнат тавсиялари”)га рухсат бериш ҳақидаги хулосани тақдим этиш талаби уни ишга жойлашиш эҳтимолини пасайтравчи омил ҳисобланади.

Юқорида келтирилганларга кўра, меҳнат фаолиятига қодирликни чеклашни аниқлашнинг стандарт ва қоидаларини ва яқка тартибдаги реабилитация дастурига киритиладиган меҳнат тавсияларини ишлаб чиқиш зарур.

Ногиронлиги бўлган одамларни бандлигини таъминлашда давлат кафолатлари.

Қонун ҳужжатларида фуқароларнинг алоҳида қатламларини, шу жумладан, ногиронларни ишга жойлаштириш бўйича ҳам умумий, ҳам қўшимча кафолатлар назарда тутилган.

Ўзбекистон Республикаси Меҳнат Кодексининг 58-моддаси ва “Аҳоли бандлиги тўғрисида”ги Қонуннинг 6-моддасида аҳолининг барча қатламлари учун умумий бўлган ишга жойлаштириш кафолатлари назарда тутилган:

– иш билан таъминлаш турини, шу жумладан турли меҳнат режимидаги ишни танлаш эркинлигини;

– ишга қабул қилишдан асоссиз бош тортиш ва ишдан асоссиз бўшатишдан муҳофаза қилишни;

– мақбул келадиган иш танлаш ва ишга жойлашишга бепул ёрдам беришни;

– ҳар кимга касбга ва ишга эга бўлишда, меҳнат қилиш ва иш билан таъминланиш шарт-шароитларида, меҳнатга ҳақ олишда, хизмат поғонасидан юқорилаб боришда тенг имкониятлар яратишни;

– янги касбга (мутахассисликка) бепул ўқитишни, маҳаллий меҳнат органларида ёки уларнинг йўлланмаси билан бошқа ўқув юртларида стипендия тўлаб малакасини оширишни.

Меҳнат қилиш ҳуқуқининг умумий кафолатларини амалга ошириш бўйича асосий чоралар орасида қуйидагиларни келтириш мумкин:

1. Бандликка қўмак бериш ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш марказлари фаолиятини ташкил этилиш²⁶;

2. Кичик ва хусусий тадбиркорликни ривожланишини имтиёзли кредитлар ва солиқ имтиёзлари тақдим этиш йўли билан қўллаб-қувватлаш²⁷;

3. Корхоналарни ягона ижтимоий тўловдан ва касаначилик меҳнати қисмидаги иш ўринлари бўйича ускуналарга солиқдан озод қилиш орқали касаначиликни ривожлантириш²⁸;

²⁶ Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2007 йилнинг 8 майидаги 95-рақамли “Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2007 йилнинг 6 апрелидаги ПП-616 рақамли “Бандликни ошириш ва меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш бўйича органлар фаолиятини такомиллаштириш бўйича чоралар тўғрисида”ги қарорини бажариш бўйича чора-тадбирлар ҳақида”ги қарори».

²⁷ Ўзбекистон Республикаси Марказий банки бошқаруви, Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги, Ўзбекистон Республикаси Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлигининг 2006 йилнинг 2-май кунидаги 1567 рақамли “Тижорат банклари томонидан ёрдамчи ва деҳқон хўжалиқларига чорвачиликни ривожлантириш учун бандликка қўмак бериш давлат жамғармаси маблағлари ҳисобига имтиёзли мақсадли микрокредитларни бериш тартиби ҳақидаги қويدани тасдиқлаш ҳақида”ги қарори. Ўзбекистон Республикаси Марказий банки бошқаруви, Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигининг 2006 йилни 8 августида Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида 1548-1 рақами билан рўйхатдан ўтган “Бюджетдан ташқари фондлар ва “Тадбиркорбанк”нинг кредит линиялари ҳисобига кичик бизнес субъектларига тижорат банклари томонидан микрокредитлар бериш тартиби ҳақидаги қоидага ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақида”ги қарори.

²⁸ Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2006 йил 5 январдаги ПҚ-3706 рақамли “Касаначилик меҳнатини ривожлантириш асосида йирик sanoat корхоналари ва хизматлар ишлаб чиқаришлари ўртасида кооперацияни кенгайтиришни рағбатлантириш бўйича чоралар тўғрисида”ги Фармони.

4. Бўш иш ўринлари ярмаркаларини мунтазам ўтказиб туриш²⁹.

Ногиронларни ишга жойлаштиришга кўмак берувчи кўшимча давлат чораларига қуйидагиларни киритиш мумкин:

1. Ходимлари сони 20 нафардан ортиқ бўлган барча корхоналарда 3 фоиз иш ўринларини махсус квоталаш³⁰;

2. Ишда ногиронлар сони 50 фоиздан кам бўлмаган ногиронларнинг жамоатчилик бирлашмалари мулкида бўлган корхоналарни даромад солиғидан озод қилиш (улар тижорат, воситачилик, таъминот-сотув ва тайёрлаш фаолияти билан шуғулланмаслиги шarti билан³¹;

3. Махсус цехлар, участкалар ва корхоналарда ишлаётган ногиронларнинг меҳнатига ҳақ тўлашнинг фонддини 4,7 фоизлик ставка билан имтиёзли ягона ижтимоий тўловга тортиш (ягона ижтимоий тўловга тортишнинг умумий фоизи, юқорида кўрсатилганидек, 24,8)³²;

4. Корхоналарни ногиронлар учун иш ўринларини уч фоизлик нормасидан юқори бўлган ҳар бир фоиз учун бир фоиз миқдорида даромад солиғидан озод қилиш³³;

5. Давлатнинг бандликни таъминлаш фонднинг кредит линияларининг кредит маблағлари ҳисобига имтиёзли микрокредитларни бериш³⁴.

²⁹ Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2001 йилнинг 18 майидаги 223 рақамли “Вактинчалик бир маротабалик иш билан таъминлаш бўйича марказларни ташкил этиш тўғрисида”ги қарори. Меҳнат ва аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш вазирлигининг 2001 йилнинг 18 октябридаги 144-рақамли “Бўш иш ўринлари ярмаркасини ўтказиш ва вактинчалик бир маротабалик иш билан таъминлаш бўйича марказларнинг фаолияти самарадорлигини ошириш ҳақида”ги буйруғи.

³⁰ Ўзбекистон Республикасининг 2008 йил 11 июлда қабул қилинган янги таҳрирдаги “Ўзбекистон Республикасида ногиронларни ижтимоий ҳимоя қилиш тўғрисида”ги Қонун. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2008 йилни 20 августидagi 186- рақамли “Ижтимоий ҳимояга муҳтож бўлган ва иш кидиришда қийинчиликларни бошидан кечираётган одамларни ишга жойлаштириш учун иш ўринларини захиралаш тарти- би ҳақидаги қондан тасдиқлаш тўғрисида”ги қарори.

³¹ Ўзбекистон Республикасининг 2007 йил 25 декабридаги ЗРУ-136 рақамли Солиқ Кодексининг 158-моддаси, Имтиёзлар.

³² Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2010 йил 24 декабридаги ПҚ-1449 сонли “Ўзбекистон Республи- каси Давлат бюджетининг 2011 йил учун асосий макроиктисодий кўрсаткичлари ва параметрлари прогнози тўғрисида”ги қарори, 25-сонли илова.

³³ Ўша ерда.

³⁴ Ўзбекистон Республикаси Марказий банки бошқаруви, Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигининг 2006 йилни 8 августида Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида 1548-1 рақами билан рўйхатдан ўтган “Бюджетдан ташқари фондлар ва “Тадбиркорбанк”нинг кредит линиялари ҳисобига кичик бизнес субъектла- рига тижорат банклари томонидан микрокредитлар бериш тартиби ҳақидаги қондага ўзгартиш ва кўшимчалар киритиш ҳақида”ги қарори, 4-бўлим, 28-банд.

6. Ногиронлиги бўлган одамларни таълим олиши учун ихтисослашган профессионал коллежларини ташкил этиш.

Квоталанган иш ўринларига ишга жойлаштириш. 2010 йилда Республикада ногиронлиги бўлган одамлар учун 18555та квоталанган иш ўринлари яратилди³⁵. Шу билан бирга, яратилган иш ўринларига 7559 нафар одам ишга жойлаштирилди.

Ногиронлиги бўлган одамлар учун ихтисослаштирилган профессионал коллежларни ташкил этиш.

Мажбурий 12 йиллик таълим Ўзбекистоннинг таълим олиш ҳуқуқини таъминлаш соҳасидаги шубҳасиз энг катта ютуқларидан бири ҳисобланади. Ногиронлиги бўлган ёшлар учун профессионал таълим олиш имкониятини ошириш учун республикада тўртта ихтисослаштирилган коллеж бор, уларда моделлаштириш ва тикув маҳсулотлари ишлаб чиқариш, радиотехника ва тележиҳозларни таъмирлаш ва уларга хизмат кўрсатиш, пойафзал иши, трикотаж маҳсулотлари ишлаб чиқариш, бухгалтерия-аудит, ЭХМларга операторлик хизматини кўрсатиш бўйича таълим берилади. Мазкур коллежларда 1500 нафардан кўпроқ йигит ва қизлар таҳсил олмоқда³⁹. Уларнинг кўпчилиги учун бу, афтидан, ҳозирги вақтдаги касбни эгаллашнинг ягона имконияти бўлса керак.

Фақат шуни қайд этиш жоизки, ушбу ўқув муассасаларини мавжудлиги умумтаълим лицей ва коллежларда ўқишни истаган ногиронлиги бўлган ёшларга ҳалақит бермаслиги лозим. Оддий ўқув юртига ҳужжатларни қабул қилишда, “улар учун махсус коллежлар бор”лиги рўқач қилиниб асосиз равишда рад жавобини берилиши каби ҳолатлар ҳам учраб турибди. Бу яна бир бор жамоатчиликни ва ногиронларни ўзларини ҳуқуқий онгини ошириш зарурлигини намоёиш қилмоқда.

³⁵ Саидов Ш. З. «Халқаро ҳуқуқ ва Ўзбекистон Республикасининг ногиронлик соҳасидаги давлат сиёсати» 2010 йилнинг 23 июлида ўтган “БМТнинг ногиронлар ҳуқуқлари ҳақидаги Конвенциясини имплементацияси: хорижий ва миллий тажриба” республика конференциясининг материаллари. 7-10 саҳифалар.

Эшитиш қобилиятида бузилишлар бўлган ўсмир ва қизлар учун олий ўқув юртларида ўқиш муаммоли бўлиб қолмоқда - талабалар сурдотаржимонлар билан таъминланмайди.

Профессионал таълимни барчага баравар эканлиги ҳақида сўзлар эканмиз, ҳаракатида ногиронлик бўлган кўплаб ёшлар учун олий ўқув юртларида таълим олишни имконияти деярли йўқ: зинапояларда қулай ушлагичлар йўқ, ҳожатхоналардан фойдаланиш имкони йўқ, сирпанчик мрамар поллар ва зинапоялар бор, деярли барча олий ўқув юртларида пандусларнинг йўқлиги кузатилган. Боз устига, ўқув юртларидаги қийинчиликларга қўшимча тарзда уларга, ногиронлиги бўлган одамлар учун жисмонан қулай бўлган транспортни деярли тўлиқ йўқлиги туфайли етиб бориш муаммоси янада кучаяди. Республиканинг енгиллик соҳасидаги қонунчилиги, бошқа кўплаб ривожланган давлатларга қараганда анчагина прогрессив кўринишга эга, у нафақат давлат, балки хусусий ташкилотларни ҳам ногиронлар учун тўлиқ жисмоний енгилликни тўлиқ таъминлашни мажбурлаб қўйган.

2011 йилнинг январ ойида қабул қилинган “Ўзбекистон Республикасида ногиронларни ижтимоий муҳофаза қилиш тўғрисида”ги, шу жумладан, енгиллик яратиш меъёрлари борасида қонун нормаларини бузганлик учун жавобгарликни қўллаш тартибини изоҳловчи меъёрий ҳужжат мазкур йўналишдаги муваффақиятли фаолият давом этишига ва бараварлик муаммоси ҳал қилинишига ишонч берди³⁶. Бу ерда, юқорида тилга олинган қонунга мувофиқ, жамоатчилик ташкилотларини бараварликни мониторинг қилишга жалб этишнинг аҳамиятини баҳолаш қийин туюлади.

³⁶ «Аҳолини иш билан таъминлаш ва ногиронларни ижтимоий ҳимоя қилиш тўғрисидаги қонун ҳужжатларини бузганлик учун ташкилотларга нисбатан молиявий санкциялар қўллаш, шунингдек меҳнатни муҳофаза қилиш тўғрисидаги қонун ҳужжатларини бузганлик учун ташкилотлар фаолиятини тўхтатиб қўйиш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида» Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2011 йил 5 январдаги 1-сон қарори.

2.3. Ўзбекистонда ногиронлиги бўлган одамларни ишга жойлаштириш самарадорлигини ошириш бўйича тавсиялар.

Ўзбекистонда ногирон одамларни ишга жойлаштиришнинг амалдаги тизими, мазкур жараёни муваффақиятли бўлишига таъсир қилувчи омиллар, ҳамда аҳолининг ушбу қатламини ишга жойлаштириш муаммосини ҳал қилиш бўйича халқаро тажрибани таҳлил қилиб, биз ишга ногиронлиги бўлган одамларни жойлаштириш ва бандлиги таъминлаш соҳасида ижтимоий сиёсатни ривожлантиришнинг қуйидаги концептуал йўналишларини ажратиб олдик:

- Ногиронлиги бўлган одамларни ижтимоий интеграцияшувини ривож топтириш;
- Ногиронларни ишга жойлаштириш ва профессионал реабилитациясини профессионаллаштириш ва хизмат кўрсатиш сифатини ошириш;
- Ногиронларни ишга жойлаштириш ва бандлиги муаммосини ҳал қилишга ННТлар ва жамоатчилик ташкилотларини жалб қилиш.

Ногиронлиги бўлган одамларни ижтимоий интеграциялашувини ривож топтириш учун зарур:

– Ногиронлиги бўлган одамларга нисбатан жамоатчиликда ижобий муносабатни шакллантириш, уларни ишга жойлаштиришга тўсқинлик қилувчи нотўғри қарашларни бартараф қилиш борасида тизимли ишларни ташкил қилиш;

– Ҳаёт фаолияти муҳитидаги қулайликларни таъминлаш бўйича ишларни давом эттириш, қулайлик даражасини мониторинг қилиш учун ногиронларнинг жамоатчилик ташкилотларини жалб қилиш;

– Ногиронлиги бўлган йигит ва қизларни нафақат ихтисослаштирилган, балки олий ва ўрта махсус таълимнинг оддий ўқув юртларида касбий, олий таълим олишга эришишларини таъминлаш бўйича махсус мажмуавий дастурларни амалга ошириш.

Ногиронларни ишга жойлаштириш соҳасида профессионалик ва уларни малакали реабилитация қилиш ва хизматлар сифатини ошириш мақсадида қуйидагилар тавсия қилинади:

- Ишга жойлаштириш соҳасида аниқ стандартларни ишлаб чиқиш ва жорий қилиш³⁷;
- Меҳнатга қобилиятни чеклашни аниқловчи услубият ва стандартларни, ҳамда меҳнат тавсияларини ишлаб чиқиш ва татбиқ этиш;
- Республикада шифокор–реабилитологларни, оккупационал терапия мутахассисларини тайёрлашни ташкил этиш;
- Бандликка кўмак бериш ва аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш марказларида соҳада олий маълумотга эга бўлган ижтимоий ходимлари учун штат бирликларини назарда тутиш;
- Қасаначилик ишига жойлаштириш бўйича ишларни кучайтириш.

Ногиронларни ишга жойлаштириш ва бандлиги муаммосини ҳал қилишга ННТлар ва жамоатчилик ташкилотларини жалб қилишни қуйидаги йўналишларда амалга ошириш мақсадга мувофиқдир:

- Жамоатчилик ташкилотлари ва ННТларни ногиронларни ишга жойлаштириш бўйича хизматларни кўрсатувчилар сифатида жалб қилиш, шу жумладан, ижтимоий таъминот масалалари бўйича яширин маслаҳатлашувлар, касбий йўналишлар, таълим олишга эҳтиёжни аниқлаш, ишга жойлашишга тайёргарлик бўйича тренинглар, синов сифатида ишга жойлаштириш, молиявий мадад, ишга жойлашгандан кейинги ҳамроҳлик, иш берувчилар муаммоларини ҳал қилиш, иш ўринларини мослаштириш каби усулларни қўллаган ҳолда;
- Жамоатчилик ташкилотлари асосидаги ижтимоий корхоналар фаолиятини янада ривожлантириш, шу жумладан, корхоналарга бинолар, хом ашё ресурслари, ишлаб чиқариш-техника ускуналарини олиш ва имтиёзли молиялаштириш ва кредитлашда биринчи навбатдаги ҳуқуқ бўйича

³⁷ Australian Government, Department of Families, Housing, Community Services and Indigenous Affairs Disability Service Standards, 2010.

имтиёзлар бериш ҳақидаги қонун ҳужжатини ишлаб чиқиш бўйича таклифларни киритиш йўли орқали.

Ногиронлиги бўлган одамларни ижтимоий муҳофаза қилиш ва ишга жойлаштириш тизими республикада ҳозирги вақтда фаол ислоҳ қилинмоқда. Мазкур ислоҳотларда муваффақиятга эришиш, уларни ҳақиқатан ҳам самарадор бўлишига ногирон одамларнинг ўзларини юқори фуқароллик фаоллигини намоён қилишлари орқалигина эришилади.

3-БОБ. ИМКОНИАТИ ЧЕКЛАНГАН ЁШЛАРНИ ЖИСМОНИЙ ТАРБИЯ ВА СПОРТГА ЖАЛБ ҚИЛИШ ИСТИҚБОЛЛАРИ “ИККИНЧИ ҲАЁТ” ЛОЙИҲАСИ МИСОЛИДА.

Ушбу лойиҳа мақсади, Ўзбекистон Республикасида истиқомат қилувчи имконияти чекланган фуқароларининг жисмоний маданият ва спорт восита ва услублари орқали тўлақонли ҳаёт кечиришларига имкон яратиш, уларни жамиятнинг тўлақонли аъзолари эканликларини англатиш. Ушбу “Иккинчи ҳаёт” номли лойиҳада масаланинг долзарблиги мақсади, вазифалари, амалга ошириш босқичлари ва тадбирлари, кутилаётган натижалар ўз ўрнини топган. Лойиҳа материаллари асосида муаллиф “Ўзбекистонда имконияти чекланган фуқароларни жисмоний маданият ва спорт воситалари орқали соғломлаштириш муаммолари” сарлавҳасида мақола ёзган.

3.2. Лойиҳа долзарблиги.

Ногиронлик муаммоси – дунё мамлакатларининг иқтисодий ривожланиш даражасидан қатъий назар мавжуд бўлган глобал муаммодир. Кўпгина мамлакатларда ногиронлик сонининг ошиб бориши, инсон тўғрисидаги янги соҳалар, билимлар, ўқув ва илмий фанларнинг вужудга келишига имкон берди. Ҳозирги вақтга келиб кўпгина мамлакатларда ногиронлар сони ошиб бормоқда ва тахминан 10% зиёд ташкил этмоқда. Бутунжаҳон соғлиқни сақлаш ташкилотининг маълумотларига кўра Ер куррасида аҳолининг 10 фоизини ногиронлар ташкил этиб, 37 миллион кишининг кўзи кўрмайди, 124 миллион кишининг кўзлари эса ожиздир. Шунини таъкидлаб ўтиш жоизки кўриш қобилиятини йўқотганларнинг тўртдан уч қисмининг олдини олиш ёки даволаш имкони мавжуд бўлган. Шу билан биргаликда ҳисобларга кўра ушбу муаммонинг олди олинмаса 2020 йилга келиб кўзи ожиз инсонларнинг сони 75 миллионни ташкил этади.³⁸

³⁸ Физическая культура и спорт для лиц с ограниченными возможностями здоровья. Информационно-методическое пособие. 2016.

Ўзбекистон Республикасида ҳам аҳолининг ушбу қатламида, ўзига яраша муаммолар мавжуддир.

Ҳозирги вақтда аҳоли саломатлигидаги ушбу салбий ҳолатларнинг вужудга келишига жисмоний маданиятнинг ижтимоий ролининг аҳамияти етарлича англаб тутилгани ҳам бир сабаб бўлмоқда. Замонамизнинг яна бир муаммоси – жисмоний маданият ва спорт восита ва услубларидан янада самарали фойдаланиш орқали янги соғломлаштирувчи технологияларни амалиётга татбиқ этиш масаласи кўндаланг турмоқда. Жисмоний маданият ва спорт восита ва услубларидан самарали фойдаланиш турли даражадаги ногиронларнинг соғлом ижтимоий-маданий ҳаётга қайтишларининг энг мақбул ва баъзида ягона йўли бўлиб қолмоқда.

Кўпгина ривожланган демократик мамлакатлар кўп йиллик ижтимоий амалиётдан келиб чиқиб, аҳолининг ушбу қатлами билан ишлаш бўйича бой тажриба орттиришган. Шунинг учун ҳам бизнинг спорт ташкилотларимиз ушбу тажрибаларни диққат билан ўрганиб чиқишмоқда. Кўпгина давлатларда мамлакатнинг ногирон-фуқароларга бўлган ғамхўрлиги жамиятнинг маданий ва ижтимоий ривожланганининг кўрсаткичи ҳисобланади. Жамият маънавиятининг кўрсаткичларидан бири бу унинг ногиронларга бўлган муносабатидир.

Ногиронлар ўртасида жисмоний маданият ва спортнинг тўлиқ ривожланмаганининг асосий сабаблари қуйидагилардир:

- махсушлаштирилган спорт иншоотларининг, жиҳоз ва анжомларнинг етарлича эмаслиги;
- архитектура ва қурилиш бўйича ногиронлар муаммосининг ҳал этилмаганлиги;
- профессионал кадрларнинг етишмаслиги;

- ногиронларнинг жисмоний маданият ва спорт машғулоти билан шуғулланишга ундовчи тарғибот ва ташвиқот ишларининг етарлича эмаслигидир.³⁹

Бундан ташқари ногиронлар спортини ўзида мужассамлаштирган паралимпия ва махсус спортда кўпгина ташкилий муаммолар мавжуд. Масалан бюджетдан ташқари кучли молиялаштириш тизимининг мавжуд эмаслиги, ногиронлар спортининг инфорацион кам ёритилиши ва ҳоказо.

Ушбу муаммолар ечимини топиш долзарб заруриятга айланиб бўлди. Ушбу муаммоларни ҳал этмасдан туриб, ногиронлар спортини ривожлантириб бўлмайди, яъни ногирон-спортчиларни рағбатлантириш, уларнинг ижтимоий ва тиббий муаммоларни ҳал қилиш, иқтидорли ёшларни жалб қилиш ягона тўғри йўлдир.

Ушбу соҳанинг ҳуқуқий асослари мамлакатимизнинг “Жисмоний тарбия ва спорт” тўғрисидаги қонунининг 31-моддасида ўз ифодасини топган.

31-модда. Мослаштирувчи жисмоний тарбия ва мослаштирувчи спорт. Ногиронларни ва жисмоний имкониятлари чекланган бошқа шахсларни жисмоний реабилитация қилиш

“Мослаштирувчи жисмоний тарбия жисмоний тарбиянинг ногиронларни ва жисмоний имкониятлари чекланган бошқа шахсларни жисмоний реабилитация қилишнинг комплекс воситаларидан фойдаланувчи қисмидир.

Мослаштирувчи спорт ногиронларни ва жисмоний имкониятлари чекланган бошқа шахсларни жисмоний реабилитация қилишга ҳамда ижтимоий мослаштиришга қаратилгандир.

Ногиронларнинг ва жисмоний имкониятлари чекланган бошқа шахсларнинг мослаштирувчи спортини ривожлантириш спорт билан шуғулланишнинг устуворлиги, оммалашуви ва очиқлиги принципларига асосланади.

³⁹ Физическая культура и спорт для лиц с ограниченными возможностями здоровья. Информационно-методическое пособие. 2016.

Ногиронларни ва жисмоний имкониятлари чекланган бошқа шахсларни мослаштирувчи жисмоний тарбия ва мослаштирувчи спорт усулларидан фойдаланган ҳолда жисмоний реабилитация қилиш ҳамда ижтимоий мослаштириш жисмоний тарбия-спорт ташкилотларида, шу жумладан реабилитация марказларида, ногоиронларнинг жисмоний тарбия-спорт клубларида амалга оширилади.

Тегишли таълим муассасаларида таълим олаётган ногоиронлар ва жисмоний имкониятлари чекланган бошқа шахслар учун машғулотлар бундай таълим олувчиларнинг шахсий қобилиятлари ва соғлиғи ҳолати ҳисобга олинган, мослаштирувчи жисмоний тарбия ва мослаштирувчи спорт воситаларидан фойдаланилган ҳолда ташкил этилади.

Махсус ваколатли давлат органи маҳаллий давлат ҳокимияти органлари, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари ва ногоиронларнинг жамоат бирлашмалари билан биргаликда ногоиронларнинг ҳамда жисмоний имкониятлари чекланган бошқа шахсларнинг жисмоний тарбия-спорт ташкилотлари воситасида жисмоний тарбия, жисмоний камол топтириш ва жисмоний тайёргарлик тизимига уйғунлашувига кўмаклашади.

Махсус ваколатли давлат органи, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари, жисмоний тарбия-спорт ташкилотлари, шунингдек ногоиронларнинг жисмоний тарбия-спорт бирлашмалари ногоиронлар ва жисмоний имкониятлари чекланган бошқа шахслар иштирокида жисмоний тарбия ва спорт тадбирлари ўтказилишини ташкил этади, болалар-ўсмирлар спорт-мослаштирувчи мактабларини, мослаштирувчи болалар-ўсмирлар жисмоний тайёргарлик клубларини ташкил қилади”.

3.1. Лойиҳа мақсади.

1. Ўзбекистондаги имконияти чекланган инсонлар, айниқса ёшларини жисмонан ва рухан бақувват бўлишларини таъминлаш;
2. Имконияти чекланган ёшларнинг спорт турлари билан мунтазам шуғулланишларини таъминлаш;
3. Уларни ижтимоий, рухий, тиббий қўллаб қувватлаш ва рағбатлантириш.
4. Жисмоний тарбия ва спорт воситалари ёрдамида жамиятдаги ўринларини топишга кўмаклашиш.
5. Ўзбекистонда Паралимпия ҳаракатини янада жонлантириш ва имконияти чекланган ёшлар ичидан Паралимпия спортининг захираларини тайёрлаш.

3.2. Лойиҳа вазифаси.

- Имконияти чекланган инсонларни ижтимоий ҳимоя қилишнинг мамлакат миқёсидаги концепциясини ишлаб чиқиш;
- Шаҳар қурилишида имконияти чекланган ёшларнинг ҳаракатланиши ва фаолият юритишларини инобатга олиш;
- Айнан имконияти чекланган ёшларнинг жисмоний ўзига хос хусусиятларидан хабардор кадрларни етиштириш;
- Жисмоний маданият факультетлари базасида имконияти чекланган шахслар жисмоний тарбияси ва спорти ёки паралимпия спорти номли йўналиш очилиши мақсадга мувофиқ;
- БЎСМ ёки спорт клублари қошида имконияти чекланган ёшлар шуғулланиши мумкин бўлган шўъба фаолиятини ташкил этиш;
- Давлат телеканалларида имконияти чекланган ёшлар ҳаёти, уларнинг спортда ва ҳаётда эришаётган ютуқларига бағишланган туркум кўрсатувлар тарғибот-ташвиқот ишларини амалга ошириш;
- Соғлом турмуш тарзи юритишлари учун имконияти чекланган ёшларнинг интилишларини қўллаб-қувватлаш.

3.3. Лойиҳа тадбирлари.

Лойиҳани амалга ошириш босқичлари ва тадбирларнинг номи:

1. Мутассади ташкилотлар ва “Ёшлар иттифоқи” фаоллари ва кўнгиллилар ҳамкорлигида вилоятнинг туман ва шаҳарларига бориш ва имконияти чекланган ёшлар ўртасида “Биз ҳар нарсага қодирмиз” шиори остида тарғибот-ташвиқот ишларини амалга ошириш.

2. Мамлакатимизнинг машҳур паралимпиячи спортчилари, вилоятнинг номдор спортчилари билан “Менинг муваффақият сари босиб ўтган йўлим” номли туркум мотивацион учрашувлар ва суҳбатлар уюштириш. Ушбу учрашувлар ва тирик мулоқот жараёнини телевизион кўрсатувлар орқали намойиш этиш.

3. Жисмоний тарбия ва спорт бошқармаси, соғлиқни сақлаш бошқармалари раҳбарлиги остида имконияти чекланган ёшлар ўртасида паралимпия спорт турлари бўйича турли спартакиадалар ташкил этиш ва ўтказиш.

4. Жисмоний тарбия ва спорт бошқармаси, соғлиқни сақлаш бошқармаси назорати остида имконияти чекланган ёшлар учун БЎСМлар қошида мутахассис кадрлар раҳбарлигида фаолият юритадиган махсус шўъбалар фаолиятини ташкил этиш.

5. Мамлакатдаги имконияти чекланган ёшларнинг ижтимоий ҳаракати фаолиятини янада жонлантириш.

3.4. Лойиҳадан кутилаётган натижалар.

1. Ўзбекистонда истиқомат қилаётган имконияти чекланган ёшлар жисмоний тарбия ва спорт воситалари орқали соғломлашадилар;

2. Имконияти чекланган ёшларнинг спорт турлари билан мунтазам шуғулланишлари таъминланади;

3. Уларнинг ижтимоий, руҳий ва жисмоний ҳолати янада яхшиланади;

4. Имконияти чекланган ёшларнинг жамият ҳаётидаги ўринлари мустаҳкамланади ва Ватанимиз равнақи олдидаги хизматларининг аҳамияти ортиб боради;

5. Бўлажак Паралимпия ўйинларининг бўлажак қаҳрамонлари захираси тайёрланиб боради.

3.5. Лойиҳа бўйича хулоса.

Ушбу лойиҳанинг “Иккинчи ҳаёт” деб номлашига сабаб, Ўзбекистон Республикасида истиқомат қилувчи имконияти чекланган фуқароларининг жисмоний маданият ва спорт восита ва услублари орқали тўлақонли ҳаёт кечиришларига имкон яратиш, уларни жамиятнинг тўлақонли аъзолари эканликларини англатишдир.

Ушбу лойиҳа орқали яна бир нарса амалга ошишига аминмиз: агар 40-50 йил олдин спорт терапия ва қайта тикланиш воситаси сифатида қаралган бўлса, ҳозирги вақтга келиб имконияти чекланган инсонлар юқори даражадаги мусобақаларда иштирок этиш имконияти яратилган. Юксак интилишга эга спортчилар ўз олдиларига турли миқёсдаги халқаро мусобақаларда нафақат иштирок этиш, балким ғалаба қозониш вазифаларини ҳам қўйишмоқда. Мана шундай юксак даражаларда спорт ўзининг реабилитацион вазифаларидан четга чиқади. Ҳозирги вақтда имконияти чекланган инсонлар спорти, соғлом инсонлар спортидан фарқ қилмай қолган. Доктор Роберт Стэдвард (1994) сўзлари билан айтганда: “Имконияти чекланган спортчи - бемор эмас, **СПОРТЧИДИР**”.⁴⁰

⁴⁰ Физическая культура и спорт для лиц с ограниченными возможностями здоровья. Информационно-методическое пособие. 2016.

Хулоса.

Мамлакатимизда кексалар, пенсионерлар, ногиронлар ва имконияти чекланган болаларга тиббий-ижтимоий ёрдамни ташкил этиш тизими яратилди. Аҳолининг эҳтиёжманд қатламларини манзилли ижтимоий ҳимоя қилиш давлат сиёсатининг устувор йўналишларидан бири сифатида белгиланган.

Шу билан бирга мазкур соҳада олиб борилаётган ишларни қониқарли деб бўлмайди.

Туғма ва наслий касалликларни барвақт аниқлаш ва уларнинг олдини олиш бўйича кўрилаётган чоралар кутилган натижани бермаяпти. Чақалоқларни перинатал скрининг кўригидан ўтказиш туғма нуқсонларни ўз вақтида аниқлашни ва ногиронликнинг кейинчалик олдини олишни таъминламаяпти.

Ёш болаларни ялпи комплекс скрининг кўригидан ўтказишни ташкил этиш ва олиб боришдаги камчиликлар реабилитация тадбирларини амалга ошириш учун қулай фурсатнинг бой берилишига ҳамда болалар ногиронлиги пайдо бўлишига олиб келмоқда.

Ногиронлик гуруҳини аниқлаш ҳамда протез-ортопедия ва реабилитация техника воситалари билан таъминлашда тиббий-маслаҳат комиссиялари ва тиббий-меҳнат эксперт комиссиялари фаолиятидаги бюрократик тартиб-таомиллар бартараф этилмаган.

Шунингдек, ногиронлар учун реабилитация техника воситалари ишлаб чиқариш корхоналарини модернизация қилиш талаб этилади.

Ногиронларни ҳисобга олишнинг комплекс тизими энди ишга киритилди, замонавий ахборот-коммуникация технологияларининг етарлича жорий этилмаганлиги ногиронларнинг ижтимоий аҳволини мониторинг қилиш ва уларга ўз вақтида зарур тиббий-ижтимоий ёрдам кўрсатиш имконини бермаяпти.

Ногиронликни аниқлаш учун тиббий-ижтимоий экспертиза ўтказишда қўлланилаётган мезонлар 40 йил аввалги услубиётга асосланган, мазкур

соҳада чуқур илмий тадқиқотларнинг мавжуд эмаслиги бу муаммони янада кучайтирмоқда.

Ногиронларга таълим бериш ва уларни ишга жойлаштиришнинг амалдаги тизими замонавий талабларга жавоб бермайди. Ногиронларни меҳнат фаолиятига жалб этиш ўртача 2 фоизни ташкил қилади, бу эса масъул идораларнинг ушбу соҳадаги иши қониқарсизлигидан далолат беради.

Ногиронлиги бўлган шахсларлар ўртасида жисмоний маданият ва спортнинг тўлиқ ривожланмаганининг асосий сабаблари қуйидагилардир:

- махсулаштирилган спорт иншоотларининг, жиҳоз ва анжомларнинг етарлича эмаслиги;

- архитектура ва қурилиш бўйича ногиронлар муаммосининг ҳал этилмаганлиги;

- профессионал кадрларнинг етишмаслиги;

- ногиронларнинг жисмоний маданият ва спорт машғулотлари билан шуғулланишга ундовчи тарғибот ва ташвиқот ишларининг етарлича эмаслигидир.

Ногиронлиги бўлган шахсларлар ўртасида жисмоний маданият ва спорт билан шуғулланиш қамровини ошириш мақсадида қуйидаги тадбирларни амалга ошириш лозим:

1. Мутассади ташкилотлар ва “Ёшлар иттифоқи” фаоллари ва кўнгиллилар ҳамкорлигида вилоятнинг туман ва шаҳарларига бориш ва имконияти чекланган ёшлар ўртасида “Биз ҳар нарсага қодирмиз” шиори остида тарғибот-ташвиқот ишларини амалга ошириш.

2. Мамлакатимизнинг машҳур паралимпиячи спортчилари, вилоятнинг номдор спортчилари билан “Менинг муваффақият сари босиб ўтган йўлим” номли туркум мотивацион учрашувлар ва суҳбатлар уюштириш. Ушбу учрашувлар ва тирик мулоқот жараёнини телевизион кўрсатувлар орқали намойиш этиш.

3. Жисмоний тарбия ва спорт бошқармаси, соғлиқни сақлаш бошқармалари раҳбарлиги остида имконияти чекланган ёшлар ўртасида

паралимпия спорт турлари бўйича турли спартакиадалар ташкил этиш ва ўтказиш.

4. Жисмоний тарбия ва спорт бошқармаси, соғлиқни сақлаш бошқармаси назорати остида имконияти чекланган ёшлар учун БЎСМлар қошида мутахассис кадрлар раҳбарлигида фаолият юритадиган махсус шўъбалар фаолиятини ташкил этиш.

5. Мамлакатдаги имконияти чекланган ёшларнинг ижтимоий ҳаракати фаолиятини янада жонлантириш.

Баён этилганларни инобатга олиб, ногиронларни давлат томонидан қўллаб-қувватлаш, тиббий-ижтимоий ёрдам бериш тизимини янада такомиллаштириш, ногиронларнинг ҳаёт сифатини яхшилаш, таълим олиш ва ишга жойлашишда уларга ҳар томонлама қўмаклашиш лозим.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. Мирзиёев, Шавкат Миромонович. Эркин ва фаровон, демократик Ўзбекистон давлатини биргаликда барпо этамиз. Ўзбекистон Республикаси Президенти лавозимиغا киришиш тантанали маросимиغا бағишланган Олий Мажлис палаталарининг қўшма мажлисидаги нутқ / Ш.М. Мирзиёев. - Тошкент : Ўзбекистон, 2016. - 56 б.
2. Мирзиёев, Шавкат Миромонович. Танқидий таҳлил, қатъий тартиб-интизом ва шахсий жавобгарлик – ҳар бир раҳбар фаолиятининг кундалик қонидаси бўлиши керак. Мамлакатимизни 2016 йилда ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг асосий яқунлари ва 2017 йилга мўлжалланган иқтисодий дастурнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамасининг кенгайтирилган мажлисидаги маъруза, 2017 йил 14 январь / Ш.М. Мирзиёев. – Тошкент: Ўзбекистон, 2017. – 104 б.
3. Мирзиёев, Шавкат Миромонович. Буюк келажагимизни мард ва олижаноб халқимиз билан бирга қурамиз. Мазкур китобдан Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг 2016 йил 1 ноябрдан 24 ноябрга қадар Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳри сайловчилари вакиллари билан ўтказилган сайловолди учрашувларида сўзлаган нутқлари ўрин олган. /Ш.М.Мирзиёев. – Тошкент: “Ўзбекистон”, 2017. – 488 б.
4. Илм-фан ютуқлари – тараққиётнинг муҳим омили: [Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев Янги йил арафасида – 2016 йил 30 декабрь куни мамлакатимизнинг етакчи илм-фан намоёндалари билан учрашди] / Халқ сўзи. – 2016. – 31 дек.
5. Фарзандлари соғлом юртнинг келажаги буюқдир: [Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев 2017 йил 5 январь куни соғлиқни сақлаш соҳасининг бир гуруҳ етакчи мутахассислари билан учрашди] / Халқ сўзи. – 2017. – 6 янв.

6. Қонун устуворлиги – инсон манфаатларини таъминлашнинг муҳим омилидир: [Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев 2017 йил 7 январда Прокуратура органлари ходимлари куни олдидан бир гуруҳ соҳа ходимлари билан учрашди] /Халқ сўзи. – 2017. – 10 янв.
7. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг 9 май – Хотира ва Қадрлаш кунига бағишланган қабул маросимидаги нутқи Халқ сўзи. – 2017. – 10 май.
8. Каримов И. А. Ўзбекистон 21-аср бўсағасида. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси 14-сессиясининг биринчи чақириғи, 1999 й. 14 апрел. 7-том, 208-бет.
9. Ўзбекистон Республикасининг “Жисмоний тарбия ва спорт тўғрисида” қонуни. (янги таҳрири). Тошкент ш., 2015 йил 4 сентябрь, ЎРҚ-394-сон.
10. Ўзбекистон Республикасининг “Ёшларга оид давлат сиёсати тўғрисида”ги қонуни. 406-ЎРҚ. 14 сентябрь, 2016 йил.
11. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг “Умумий ўрта таълим тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида” қарори. Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2017 й., 11-сон, 167-модда.
12. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг “Умумий ўрта ва ўрта махсус, касб-хунар таълимининг давлат таълим стандартларини тасдиқлаш тўғрисида” қарори. Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2017 й., 14-сон, 230-модда.
13. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Жисмоний тарбия ва оммавий спортни янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида» 2017 йил 3-июндаги ПҚ-3031-сон қарори.
14. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясини «Фаол тадбиркорлик, инновацион ғоялар ва технологияларни қўллаб-қувватлаш йили»да амалга оширишга оид Давлат дастури тўғрисида» 2018 йил 22 январдаги ПФ-5308-сон Фармони.

15. Жисмоний тарбия ва спорт соҳасида давлат бошқаруви тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида Ўзбекистон Республикаси Президентининг ПФ-5368-сон Фармони. Тошкент ш., 2018 йил 5 март.
16. Ўзбекистон Республикаси Жисмоний тарбия ва спорт вазирлиги тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 369-сон қарори. Тошкент ш., 18 май, 2018 йил.
17. Каримов И. А. Ўзбекистон 21-аср бўсағасида. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси 14-сессиясининг биринчи чақириғи, 1999 й. 14 апрел.
18. «Ногиронлиги бўлган шахсларни давлат томонидан қўллаб-қувватлаш тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Президент фармони.
19. «Ногиронларни соғломлаштириш ва протезлаш миллий марказини ташкил этиш тўғрисида»ги Вазирлар Маҳкамаси қарори.
20. Фуқароларни меҳнат бўйича идораларда рўйхатдан ўтказиш, уларни ишга жойлаштириш, ишсизлик бўйича нафақаларни тайинлаш ва тўлаш тартиблари ҳақидаги қоида Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томо- нидан 1991 йилнинг 13 октябр куни 831 рақами билан рўйхатдан ўтказилган.
21. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2009 йилнинг 18 мартдаги “Ногиронларни реабилитация қилишнинг яқка тартибдаги дастури ҳақидаги қоидани тасдиқлаш ҳақида”ги қарорининг 2- банди, 5-, 6-, 7- қуйи бандлари.
22. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2008 йилнинг 8 августидаги 175 рақамли “Врачлик-меҳнат экспертизаси хизматини бошқариш тузилмасини такомиллаштириш ва уни ташкил қилиш бўйича чоралар тўғриси”ги қарори – учинчи илова, 12-банд.
23. Ўзбекистон Республикасининг 2008 йилнинг 11 июлидаги №ЗРУ-162 “Ўзбекистон Республикасида ногиронларни ижтимоий ҳимоя қилиш тўғрисида”ги Қонун (янги таҳрирдаги).

- 24.1996 йилнинг 29 августидаги ЗРУ-266-1 рақамли “Ўзбекистон Республикаси фуқароларини соғлиғини ҳимоя қилиш тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни.
- 25.1995 йилнинг 21 декабридаги Ўзбекистон Республикаси Меҳнат кодекси, 220 модда.
- 26.Фуқароларни меҳнат бўйича идораларда рўйхатдан ўтказиш, уларни ишга жойлаштириш, ишсизлик бўйича нафақаларни тайинлаш ва тўлаш тартиблари ҳақидаги қоида Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томо- нидан 1991 йилнинг 13 октябр куни 831 рақами билан рўйхатдан ўтказилган.
- 27.Ўзбекистон Республикасининг 1993 йил 3 сентябридаги “Фуқароларни давлат пенсияси таъминоти тўғрисида”ги Қонуни.
- 28.Ўзбекистон Республикасининг “Фуқароларни давлат пенсияси таъминоти тўғрисида”ги Қонунига ва 2010 йилнинг 22 декабридаги Ўзбекистон Республикаси Меҳнат кодексига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақида”ги Қонуни.
- 29.Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2007 йилнинг 8 майидаги 95-рақамли “Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2007 йилнинг 6 апрелидаги ПП-616 рақамли “Бандликни ошириш ва меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш бўйича органлар фаолиятини такомиллаштириш бўйича чоралар тўғрисида”ги қарорини бажариш бўйича чора-табдирлар ҳақида”ги қарори».
- 30.Ўзбекистон Республикаси Марказий банки бошқаруви, Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги, Ўзбекистон Республикаси Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлигининг 2006 йилнинг 2-май кунидаги 1567 рақамли “Тижорат банклари томонидан ёрдамчи ва деҳқон хўжаликларига чорвачиликни ривожлантириш учун бандликка кўмак бериш давлат жамғармаси маблағлари ҳисобига имтиёзли мақсадли микрокредитларни бериш тартиби ҳақидаги қоида тасдиқлаш ҳақида”ги қарори.

31. Ўзбекистон Республикаси Марказий банки бошқаруви, Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигининг 2006 йилни 8 августда Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида 1548-1 рақами билан рўйхатдан ўтган “Бюджетдан ташқари фондлар ва “Тадбиркорбанк”нинг кредит линиялари ҳисобига кичик бизнес субъектларига тижорат банклари томонидан микрокредитлар бериш тартиби ҳақидаги қоидага ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақида”ги қарори.
32. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2006 йил 5 январдаги ПҚ-3706 рақамли “Касаначилик меҳнатини ривожлантириш асосида йирик саноат корхоналари ва хизматлар ишлаб чиқаришлари ўртасида кооперацияни кенгайтиришни рағбатлантириш бўйича чоралар тўғрисида”ги Фармони.
33. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2001 йилнинг 18 майдаги 223 рақамли “Вақтинчалик бир маротабалик иш билан таъминлаш бўйича марказларни ташкил этиш тўғрисида”ги қарори.
34. Меҳнат ва аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш вазирлигининг 2001 йилнинг 18 октябридаги 144-рақамли “Бўш иш ўринлари ярмаркасини ўтказиш ва вақтинчалик бир маротабалик иш билан таъминлаш бўйича марказларнинг фаолияти самарадорлигини ошириш ҳақида”ги буйруғи.
35. Ўзбекистон Республикасининг 2008 йил 11 июлда қабул қилинган янги таҳрирдаги “Ўзбекистон Республикасида ногиронларни ижтимоий ҳимоя қилиш тўғрисида”ги Қонун.
36. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2008 йилни 20 августдаги 186-рақамли “Ижтимоий ҳимояга муҳтож бўлган ва иш қидиришда қийинчиликларни бошидан кечираётган одамларни ишга жойлаштириш учун иш ўринларини захиралаш тартиби ҳақидаги қоидадан тасдиқлаш тўғрисида”ги қарори.
37. Ўзбекистон Республикасининг 2007 йил 25 декабридаги ЗРУ-136 рақамли Солиқ Кодексининг 158- моддаси, Имтиёзлар.
38. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2010 йил 24 декабридаги ПҚ-1449 сонли “Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджетининг 2011 йил

- учун асосий макроиқтисодий кўрсаткичлари ва параметрлари прогнози тўғрисида”ги қарори, 25-сонли илова.
39. Ўзбекистон Республикаси Марказий банки бошқаруви, Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигининг 2006 йилни 8 августда Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида 1548-1 рақами билан рўйхатдан ўтган “Бюджетдан ташқари фондлар ва “Тадбиркорбанк”нинг кредит линиялари ҳисобига кичик бизнес субъектла- рига тижорат банклари томонидан микрокредитлар бериш тартиби ҳақидаги қоидага ўзгартиш ва кўшимчалар киритиш ҳақида”ги қарори, 4-бўлим, 28-банд.
40. Саидов Ш. З. «Халқаро ҳуқуқ ва Ўзбекистон Республикасининг ногиронлик соҳасидаги давлат сиёсати» 2010 йилнинг 23 июлида ўтган “БМТнинг ногиронлар ҳуқуқлари ҳақидаги Конвенциясини имплементацияси: хори- жий ва миллий тажриба” республика конференциясининг материаллари.
41. «Аҳолини иш билан таъминлаш ва ногиронларни ижтимоий ҳимоя қилиш тўғрисидаги қонун ҳужжатларини бузганлик учун ташкилотларга нисбатан молиявий санкциялар қўллаш, шунингдек меҳнатни муҳофаза қилиш тўғрисидаги қонун ҳужжатларини бузганлик учун ташкилотлар фаолиятини тўхтатиб қўйиш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида» Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2011 йил 5 январдаги 1-сон қарори.
42. Глобал ногиронлик. Рақамлар ва фактлар Манба: <http://www.un.org>.
43. Халқаро Меҳнат Ташкилоти (ILO). <http://www.un.org>
44. Perry, Debra A., EmployAbility: resource guide on disability for employers in Asia and Pacific. - Bangkok: ILO, 2007.
45. Employing persons with disabilities. ITC – Welcomegroup, 2008.
46. Support for Employers Concerning Employment of Persons with Disabilities
47. Show Trust UK Real Changes, Real Lives: Impact Report 2008/2009. – London: Show Trust, 2010.

48. Social enterprise: a new model of reducing poverty and increasing employment,
- The Regional Bureau of UNDP for Europe and CIS, 2008.
49. Employing persons with disabilities. ITC – Welcomegroup, 2008; Zadek and Scott Parker (2001) UK Disability Employers Forum (EDF), Business Link <http://www.businesslink.gov.uk/404.html>; Fast Forward (UK employers' organization) <http://www.businesslink.gov.uk/404.html>
50. Australian Government, Department of Families, Housing, Community Services and Indigenous Affairs Disability Service Standards, 2010.
51. Физическая культура и спорт для лиц с ограниченными возможностями здоровья. Информационно-методическое пособие. 2016.
52. http://www.jeed.or.jp/english/support_for_emp_dis.html.
53. www.shaw-ttust.org.uk.
54. <http://dfgszn.kostroma.ru>.
55. <http://www.gczn.nsk.su>.